

ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА МУСТАҚИЛЛИК



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ХУЗУРИДАГИ**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ
БҮЙИЧА МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ-МЕТОДИК МАРКАЗ**

ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА МУСТАҚИЛЛИК

**ТОШКЕНТ
«Fan va texnologiya» нашриёти
2016**

УЎК: 94 (575.1)

КБК 66.3 (5Ў)

A-59

A-59 Тарихий хотира ва мустақиллик. –Т.: «Fan va texnologiya», 2016, 80 бет.

ISBN 978-9943-11-315-2

Мазкур тўпламда мустабид совет тузумининг оғир синовларини ўз бошидан кечирган ватандошларимизнинг хотиралари, озодлик, эркинлик ҳақидаги фикр-мулоҳазалари жой олган бўлиб, улар жонли мулоқот тарзида ёзib олинган. Уни ўқир экансиз мустақилликнинг осонликча кўлга киритилмаганлигини, унинг нақадар бебаҳо ва тенгсиз бир неъмат эканлигини янада теранроқ англағандек бўласиз.

УЎК: 94 (575.1)

КБК 66.3 (5Ў)

Ижодий гурӯҳ раҳбари:

Бобур Аминов – тарих фанлари номзоди

Масъул мухаррир:

Зокиржон Сайдбобоев – тарих фанлари номзоди

Такризчилар:

Ўқтам Мавлонов – тарих фанлари доктори;

Ваҳобжон Кўчқоров – сиёсий фанлар доктори.

*Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича
Мувофиқлаштирувчи-методик марказ илмий-методик Кенга-
шининг 2016 йил 12 августдаги 8-сонли қарори асосида нашр
этилди.*

ISBN 978-9943-11-315-2

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2016.

**Ўзбекистон Республикаси мустақил-
лигининг 25 йиллигига багишиланади**

* * * *

Ҳақиқат, тарих ҳақиқати болаларимиз учун сув ва ҳаводек зарур. Тарих ҳақиқатини тўлалигича кейинги авлодга етказиш ҳар бир инсоннинг келажак олдидағи муқаддас бурчи ҳисобланади.

Ўша машъум кунларни кўрган кишилар, фахрийларимиз ҳаёт эканидан фойдаланиб, бу борада қўпроқ маълумот тўплаш, уларни тизимлашириш устида ишлайдиган олим ва мутахассислар бўлса, мен бундай ташаббускор одамларни шу муқаддас заминни севган ватанпарвар, юртпарварлар деб қабул қиласман ва уларни қўллаб-қувватлашга доим тайёрман.

Ислом КАРИМОВ

КИРИШ

Бугунги глобаллашув шароитида баъзи бир ёшларимиз ўз тарихини яхши билмаслиги туфайли ота-боболари, аждодлари тарихий мероси, урф-одатлари ва маданиятидан узилиб қолаётгани, охир-окибатда улар ўртасида турли кучлар таъсирига тушиб колиш хавфи кучайиб бораётгани кузатилмоқда. Айрим носоғлом кучлар, гурухлар ва оқимлар тарихни маънавий ва мағкуравий куролга айлантириб, ўз манфаатлари йўлида заарарли гояларини ёйишга уринаётганлиги ҳам сир эмас. Шу боисдан ҳам ҳозирги вактда жаҳон манзараси мураккаб ва айнан шу контекстда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, умуминсоний ва миллий қадриятларни сақлаб қолиш, буюк аждодларимиз қолдирган бой меросни асл ҳолида англаштириш, турли мазҳаблар, оқимлар ва йўналишлар таъсирига берилмаслик орқали «урушсиз дунё» ва осойишта ҳаётга эришиш тинчликсевар кучлар, халқлар, миллатлар ва элатларнинг бош мақсадига айланган.

Ушбу ўринда барқарор жамият ҳамда тинч ва фаровон ҳаётнинг пойдеворини яратиш ҳамда мустаҳкамлаш жараёнида тарих ва тарихий хотирадан сабоқ олиш муҳим аҳамият қасб этг'етганлигига алоҳида ургу бериб ўтмоқ зарур. Бу ўз навбатида ўтмишишимизни янада чуқуррок ўрганишга, тарихга бўлган муносабатимизни ва қарашларимизни бойитишига, мозийга ҳақиқат ва адолат кўзи билан қарашга хизмат қилиши шубҳасизdir. Ўтмиш хотиралари эса тарихнинг тирик гувоҳи бўлган ҳалқ тилидан, ҳалқ вакилларининг сўзларидан, уларнинг ёдида, қалбида муҳрланиб қолган тасаввурларидан оқ қоғозга тушириш орқали юзага келади. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, «Биз ҳалқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз». Зоро, тарихий хотиралар ҳар бир даврнинг кўзгуси бўлиб ҳисобланади. Уларни авайлаб-асраш ҳамда кейинги авлодларга етказиб бериш ниҳоятда муҳим ва зарурдир. Маълумки, ҳар бир тарихий даврнинг ўз қаҳрамонлари, жонкуяр ва фидойи намояндалари бўлади. Уларни ўз замонаси тарихини яратувчилари деб атасак муболага бўлмайди.

Машаққатли ўтмишнинг кечмишларини, оғир ва мураккаб тарихий жараёнларни бошидан кечирган ана шундай инсонларни излаб топиш ва уларнинг хотираларини ёзib олиш, йиғиш, тўплаш ҳамда улардан манба сифатида фойдаланиш орқали тарихнинг қоронғу, яъни бизга номаълум саҳифаларини ёш авлодга тухфа этиш ўта муҳим ва савобли. Машаққатга, таҳдиу – таъкибларга қарамай, Ватан озодлиги, эл-юрт манфаати йўлида курашиб, бугунги дориломон кунларгача етиб келган бундай инсонларнинг борлиги дилимизга далда беради. Улар билан қилинган мулокотлар орқали мустақиллик учун кураш қандай шароитларда кечгани, ҳалқимиз истиқлолгача қандай изтиробли, оғир кунларни бошдан кечирганини билиб оламиз.

Ҳа, болалиги, ёшлиги ва умрининг маълум бир палласи мустабид тузум даврида кечган ва не-не оғир кунларнинг гувоҳи бўлган, бугунги кунда эса азалий орзу-умидлари рӯёбга чиқиб, озод ва обод мамлакатда умргузаронлик қилаётган, яъни кексалик гаштини суроётган бундай инсонлар билан ўтказилган сұхбатлар, мулокотлар ниҳоятда қизиқарли ва мароқли. Шубҳасиз, бундай инсонлар ўз бошларидан кечирган ва кўз

олдиларида намоён бўлган воқеа ва ҳодисаларни гапириб беришгандга бугунги дориломон кунлар билан ўзлари яшаб ўтган ўша машъум, оғир, азоб-уқубатга тўла ҳаётларини қиёслашади. Муқоясалардан тарозининг палласи қайси тарафга босишини кўриш қийин эмас. Уларни тинглар эканмиз, мاشаққатли ўтмиш билан бирга мустақиллик йилларида юртимизда, ҳаётимиз ва онгу шууримизда юз берган ижобий ўзгаришлар, ҳар қадамда қад ростлаётган иншоотлар, обод турмуш манзарапари кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Буларнинг барчаси мустақилликнинг кадр-қимматини янада теранроқ англаб етишимизда муҳим восита бўлиб хизмат қиласди. Қолаверса, бизни хушёрликка чақиради ва ватанпарварликка даъват этади, калбимизда она Ватанга меҳр-муҳаббат, бугунги дориломон кунларга шукроналик туйғуларини жўш урдиради. Шу боисдан ҳам давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ўз чиқишиларида бу борада тўхталар экан, ўтмиш хотираларига алоҳида эътибор бериш зарурлигини, ўша давр кишилари, фахрийлари ҳаёт эканидан фойдаланиб, улардан қимматли маълумотларни йиғиши ва ёзиб олиш лозимлиги ҳақида таъкидлаб ўтган:

«Вакт ўтиши билан узоқ ва яқин тарихда рўй берган кўпгина воқеа ва ҳодисалар унтутилиши, инсон ёдидан кўтарилиши мумкин. Лекин одамнинг ўзи бевосита иштирокчи бўлган, унинг қалби ва хаёлига чукур ўрнашиб қолган шундай кунлар ҳам бўладики, улар ҳеч қачон хотирадан ўчмайди». Ҳа, «Тарихни халқ яратади» деб бежизга айтилмаган.

Шундай қилиб, мазкур тўплам яқин тарихимиз, яъни халқимиз тақдирида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган – МУСТАҚИЛЛИКка эришиш арафасидаги тарихий жараёнларда бевосита иштирок этган кекса авлод вакиллари билан олиб борилган мулоқотлар натижаси ўлароқ яратилган бўлиб, унда уларнинг гувоҳи бўлган ва ҳанузгача хотираларида сакланиб қолган воқеа ва ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилинади. Тўплам қимматли маълумотлар ва ҳаққоний далилларга бойлиги билан бошқа ишлардан ажралиб туради.

Ижодий гуруҳ

Мустақиллик қадри

Фарида Умар қизи Усмонова – 1921 йили Қўқон шаҳрида туғилган. II жаҳон уруши йилларида Тошкент вилоятидаги жамоа хўжаликларидан бирида бухгалтер, 1950 йилларда «Қизил Ўзбекистон» газетасида мусаххих лавозимларида ишлаган. 1954 йилдан янги ташкил қилинган «Тошкент ҳақиқати» газетасида катта мусаххих сифатида фаолиятини давом эттиради. Ушбу газетада адабий ходим, бўлим мудири ва 1965 – 1981 йиллар давомида муҳаррир ўринбосари вазифаларида меҳнат қилган. Мустақиллик йилларида унинг бир неча асарлари чоп қилинди.

– Сиз 30-йилларнинг жабру жафоларини, очарчилик, қаҳатчилик даврларини кўргансиз. Болалик хотирангизда ўша мудҳиш дамларга тааллуқли нималар сақланиб қолган?

– Ёшлиқда кўрган-кечирғанларингиз бамисоли тошга ўйилган нақшдек одамнинг хотирасида сақланиб қолар экан.

Ўша йиллари замон нотинч, юртда очарчилик балоси хукм сурарди. Аҳолининг турмуш даражаси пасайиб, турли хил юқумли касалликлар авж олганди. Бу ўзгаришларнинг барчаси Россиядан бошланганди. Ўша йиллари «кулоқ» қилиш бўйича берилган кўрсатма барча республикаларга тарқалганди.

Мен ўшанда Қўқон шаҳридаги мактабнинг 2-синфида ўқир эдим. Мактабимиз Абдураззоқбойнинг боғида жойлашганди. Агар «Мактабинг қаерда?» – деб сўрашса «Абдураззоқбойнинг боғида», – деб жавоб берардим. Айтишларича, Абдураззоқбой «кулоқ» қилиниб, сургунга юборилган экан. Унинг боғи тортиб олиниб, мактаб қилинганди. Хоналари катта-катта эди.

Ўша пайтлари қанчадан-қанча одамлар «кулок» қилиниб, бутун мол-мулки тортиб олинганди. Менинг дадамни ҳам «кулок» деб қамаб қўйишганди. Кейинчалик қамоқдан чикиб бағримизга қайтиб келганлар.

– Уй-жойларингиз катта бўлганми?

– Унчалик эмас. Ҳозир ўша жой кутубхонага айлантирилган. Яйловларда кўй-кўзиларимиз бор эди. Уларни кирғизлар бокишарди. «Сизлар одам ишлатиб, эксплуатация қиласизлар!» – деган айблов билан дадамни «кулок» қилишганди.

«Кулок» қилинганлар аслини олганда даврнинг энг зукко, меҳнаткаш ва тадбиркор одамлари бўлган. Абдураззоқбой ва унга ўхшаган бойлар ҳаттоқи Сибирга юборилганда ҳам тадбиркорлик қилиб яна бойлик орттиришганини ўз кулогум билан эшигтанман. Ишни кўзини билган тадбиркор одамлар-да!

Бобомни Эминжон бой дейишарди. Айтишларича, бобом Намангандан Тўкмоқка борганида қўлларида бори-йўғи икки танга пуллари бўлган экан, холос. Ўша пул билан бойиб кетган эканлар. Хитойга бориб савдогарчилик қилиб, кирғизларга кўйлар олиб бериб боқтирганлар, бир неча заводлар қурганлар. «Кулок» даврида бобом ҳаёт эмас эдилар.

Ўша вактда «кулок» қилиш жараёни ҳақида ҳар хил фикрлар бор эди. Янги иқтисодий сиёсатга баъзи бировлар карши чиқишиганди. Шунда ҳар хил келишмовчиликлар пайдо бўлди. Троцкий, Зиновьев кабилар «Биз мамлакатни бойитиб турган бойларнинг мол-мулкини мусодара қилиб, ўзларини Сибирга жўнатсак, давлат камбағал бўлиб қолади, одамлар қашшоқлашиб қолади». Уларга «Сен халқ душмани экансан, биз ўша бойларнинг мол-мулкини камбағалларга олиб бермоқчимиз-ку! Нимага халқни фойдасига қарши чиқяпсан?» – деб жавоб қайтаришди. Шу тариқа булар халқ душмани бўлиб кетди. Кимни олиб кетишса уларга

«зиновьевчисиз, троцкийчисиз», – дейишарди. Ўзи эса уларнинг кимлигини ҳам билмасди.

Россияда хукумат помешчиклардан бор ғалласи ва барча бойликларини тортиб олиб, ҳаммасини мужикларга беришарди. Мехнатсеварлик бегона бўлган мужикларга сафо қилиб, ҳамма нарсани совуриб юборарди. Оқибатда экишга уруғ қолмади. 1932 йил қаҳатчилик бошланди. Дон йўқ, нон йўқ. Россиядан одамлар «Тошкент – нон шахри», дея Ўзбекистонга оқиб кела бошлади. Айниқса Самарадан кўпчилик келди.

«Самарская» деган гапни эшитганмисиз? Ҳа, ўша пайтлари Самарадан Тошкентга оч-наҳор болалар поездга осилиб келгани рост. Улар туфайли кўчада нонвой хотинлар bemalol юра олмай қолганди. Улар бошида саватда нон олиб кетаётган пайтда самарскийлар бориб сават билан нонни олиб қочарди. Бечора аёл уларнинг кетидан юрганича қолаверарди. Баъзан эса етиб оларди. «Самарская нонни еб кўйди», деб хуноб бўларди. Кейинчалик болалар бирор ножӯя иш килса одамлар уларни «самарская» деган ибора билан урушиш одати ана шундан келиб чиқкан. Бундай нохуш холлар албатта ночорликдан, очликдан содир бўлганди.

Мен қаҳатчилик, очарчилик силласини қуритган, бунинг устига турли юқумли касалликлар билан олишиб, тамоми жони қақшаб ётган одамларни кўрганимда бутун вужудим аламдан титраб кетарди. Ўшанда биз Қўқонда ховлимиздан бозорга, дадамнинг олдига борардик. Кўчакуylарда очликдан шишиб кетган одамлар қўлинин очиб нон сўраб ётарди. Дадамни олдидан қайтаётганимизда, уларнинг аксарияти ўлиб қолганини ўз кўзим билан кўрганман.

Катта-ю кичик бирдек умидсизлик ботқоғига ботган эди. Қишининг аёлси кунларида қариялар «Худойим, баҳорга етказгин. Ердан тезрок ўт-ўлан чиқсин», – деб илтижо қилишарди. Нихоят, 1933 йилнинг феврали кириб келди.

Үт-ўланлар ердан бош кўтара бошлади, атрофда откулок, жағ-жаг... Ҳамма этак олиб далага югуради.

Биз ҳам ўтларни рўмолга тушиб уйга олиб келардик. Аямиз уни тозалаб, майдалаб қозонда қовуриб берардилар. Агар бир сиқим ун топилса, жиндаккина хамир қориб, уни юпқа ёярдик-да, ичига ҳалиги ўтни солиб сомса қиласардик. Шундай қилиб, баҳор келиб, оғзимиз дала-даштдаги ўт-ўланга теккан кезлари аҳволимиз бироз яхшиланарди.

1934 – 1935 йиллар ҳам қийинчилик билан ўтди. Озиқ-овқат ҳам, кийим-кечак ҳам танқис бўлиб қолганди. 1936 йилга келиб оз бўлса-да аҳволимиз яхшилангандай бўлди. Кўп ўтмай қатағон йиллари бошланиб, яна кўп ноҳушликлар юз бера бошлади. Бу даврда мен Самарқанд аграр колхоз университетининг бухгалтерия факультетида ўқир эдим. Ўша университетдан сал нарида ўзбек отлик дивизияси бор эди.

Менинг опам Орзубоев Аҳмад деган командир-лейтенантга турмушга чиққанларидан сўнг уйларига мени ҳам олиб кетдилар. Университет билан ҳарбий лагерь ораси яқин эди. Мен икки йил опамницида яшаб бухгалтерликка ўқидим. Ўша йиллари ўзбек дивизиясидаги салоҳиятли генераллар, ажойиб командирларни билардим. Улар от билан сайдрга чиққанда ёхуд машқ қилганида ҳавас билан томоша қиласардим. Одамлар орасида бугун «буни олиб кетиши», эртасига «уни олиб кетиши», – деган ваҳимали гаплар тарқала бошлади. Бизнинг уйдагилар ҳам ташвишга тушиб қолишли.

Бир куни мен ўқишдан уйга келдим. Поччам ҳам ишдан келдилар. Овқатдан сўнг поччам опамга қараб: «Гули, Фаридани олиб бир ёзлик кинотеатрга бориб келайлик, юринглар», – деб қолдилар. Бу гап бизга хуш ёққанди. Учаламиз чикиб кетдик. Бориб кинотеатрда ўтирдик. Эндиғина кино бошланган пайтда иккита солдат олдимизга келди. Поччамни елкасига солдатлар қўлини қўйиши билан улар туриб кетдилар. Опам ҳам ўрнидан турди. Поччам

менга қараб «Фарида, сен кейинроқ борарсан, биз уйга кетяпмиз», – дедилар. Ҳалигилар ҳам кетди. Мен кинода ўтира олмадим. «Нимага бунака бўлди?» – деган хавотир билан уйга келдим.

Казармага ўхшаган ҳарбийларни уйида яшардик. Умумий коридорга кириб, тақиллатсам эшик берк. Ичидан бекитиб қўйилганди. Ўрис қўшниларимиз – ёш эр-хотин менга аста пичирлаб: «Бизниги кириб туинг», – дейишди. Улар кимлар ва нима мақсадда келганини аллақачон сезишганди. Чунки, ташқарида қора машина турган эди.

Мен уларниги кирмадим, йўлакда йиглаб ўтиравердим. Кечаси соат 3 ларда ниҳоят эшик очилди. Ҳалигилар чиқди. Поччамни қўли боғлик. «Вой, ака!» – деб юбордим. Айтгандай поччамни мен ака деб чакирадим. «Ака нима бўлди?» – десам «Фарида, опангдан хабар ол, мен тезда қайтаман. Бу бир тушунмовчилик шекилли», – дедилар. Орқаларидан «дод» деб чиқсан, поччамни қора машинага ўтқазиб олиб кетиб бўлишганди. Қайтиб уйга кирсан опам бир аҳволда ўтирибдилар, уй титилиб кетганди. Ҳаттоки, ёстикларгача йиртиб парларини сочиб ташлашганди. Лекин бу газандалар нимани қидиришганини билмасдим.

Ўшанда мен – университетда профкомни аъзоси сифатида секретарлик қилиб, билетларини ёзиб берардим. Аксига олиб, папкамда иккита ёзилмай қолган профсоюз билети турган экан. Мен нодоннинг кимгadir ёзиб беришим керак бўлган ўша билетни «Бу сизларни ташкилотларингни книжкаси», – деб рўкач қилишибди. Опам менга айтдиларки, «Фарида нима килардинг шу книжкаларни папкангга солиб юриб? Акангни шунга айблади». Мен ўшанда опамнинг гапларини эшитганимдан сўнг, уларга қандай жавоб қайтаришни билмасдан довдираб қолгандим. Поччамнинг камалишида ўзимни гуноҳкор деб билдим. Уларга жуда ачиндим.

– У бир баҳона эди.

– Ҳа, бу бир баҳона эди. Шу билан эртасига домком келди-да «Сен халқ душманининг хотинисан, сен эса халқ душманининг синглиси. Уйни бўшатинглар», – деб туриб олди. «Опам ҳомиладор, қаерга олиб бораман?» – дея зор қақшаганимга қарамай «Ҳеч нарсани билмаймиз, 24 соат ичида уйни бўшатинглар», – деди-да, эшикни шарақлатиб ёпиб, чиқиб кетди.

Университетга келиб, раҳбариятга: «Менга ётотқ бeringлар, опамни олиб келишим керак», – дедим. Лекин улар бунга рози бўлишмади. Замон ёмон эди-да! Улар ҳам ўзидан кўркарди.

Мени университетда «қулоқни қизи, халқ душманининг синглиси» сифатида таъкиб қила бошлишди. Ҳамма мендан ўзини олиб қочадиган бўлиб қолди. Қўқонга хабар қилдим. Дадам келиб опамни олиб кетдилар. Ўқишимга олти ой қолганди. Ётоқхонада яшай бошладим.

Университетда қолишни ўзи бўлмади. Мажлисларда «Халқ душманининг синглисига комсомолда ўрин йўқ, комсомолдан ўчирилсин», – деб айтишарди. Охири ўчиришди, ҳам.

Мен бу ноҳақ тухматлардан, ҳақсизликдан эсанкираб колгандим. Турли-туман саволлар гирдобида кийналар, нима қилишни, қандай йўл тутишни билмасдим. Яхши ҳамки профсоюзнинг раиси раҳмдил инсон экан. Унга книжка ҳақида айтиб берганимда «Хафа бўлманг, қизим университетдан ҳеч ким сизни ҳайдай олмайди. Битириб оласиз», – деб кўнглимни кўтарди. Шу гап мадад бўлди. Нихоят, давлат имтиҳонларини яхши баҳоларга топшириб, университетни битиришга муваффақ бўлдим.

Поччамдан эса ҳеч қанақа хабар ола олмадик. Қамоқхонага яқинларини сўраб борганларгача «Нима иш қиласан?» – деб камаб қўядиган бўлишди. Опам бир-икки бордилар. Кейин мен ҳам бордим. Қамоқхона ёнида бизга ўхшаганлар кўп. Назоратчи «Яқин йўлама!» – дейди. Ҳамма

кўрқади. «Халқ душмани» деган бало ҳамма ёқда вабодек изғиб юрарди. «Халқ душмани» тамғаси босилган оила аъзоларидан ҳамма қўрқарди, яқин йўлагиси келмасди. Кунига ёмон хабар эшитамиз: «фалончини олиб кетибди», «пистончини олиб кетибди».

Газета саҳифаларида бир томондан халқ душмани ҳакидаги айбловлар, қамаш, ҳибсга олиш, иккинчи томондан сайлов жараёни хусусида сўз борарди. Ўкув даргоҳларида дарсларнинг ўрнига 4 бет газета ўқиларди, холос. Бу ёқда «кура-ура», у ёғида «қама-қама». Бу аянчли ҳолат 1939 йилгача давом этди. Абдулла Қодирийнинг китобларини ўкишга рухсат йўқ, ман қилинганди. Кимки уларни ўқиса «халқ душмани»ни ёнини олгандай бўлади...

Лагерда не-не командирларни билардим. Кўпи ноҳақ камалиб кетди. Хотини, бутун оиласи азобда қолди. Интернатлар, болалар уйларининг сони ортиб борарди. Уларга «халқ душмани»нинг, «қулок» қилингандарнинг фарзандлари борарди. Баъзи ҳолларда эр-хотинлар бараварига қамаларди. Уларнинг етим қолган болаларини интернат ёки болалар уйига тиқишарди.

1940 йили вазият сал юмшагандек бўлди. Кўп ўтмай бирданига уруш бошланди. 1941 йилнинг 22 июня инутилмас, оғир кун бўлди. Ўша вақтларда кўчада радио карнайлар бўлар эди. Левитан салмоқли овозда «Совин-формбюро»дан гапира бошлади: «немис самолётлари бостириб кирди, фалон-фалон жойларни бомбардимон килди».

Эртасига 18 ёшдан 40 ёшгacha бўлган барча эркакларни ҳарбийга сафарбар қилиш тўғрисида буйруқ чиқди. Бир хонадонда учта эркакми ёхуд тўрттами уларнинг бариси урушга чақириларди. Кўчаларда йигитлар саф-саф бўлиб, ҳарбий комиссириатга кетишарди. Умри бино бўлиб қўлига қурол олмаган йигитлар дабдурустдан уруш оловига кетарди. Оналар, хотинлар ғам-ғуссага ботган, болалар қон-қақшаб йиғлаган. Мана уруш қандай бошланди.

Ҳа, уруш даври – оғир ва мусибатли давр бўлди. 1943 йилгача «фалон шаҳар босиб олинди, душман фалон ерга етиб келди» деган хабарларни эшишиб турамиз. Ва ниҳоят 1943 йилдан бизникилар томонидан душман тарафга зарба берила бошланди.

Урушга бошқа республикалар каторида Ўзбекистон ҳам кўп ёрдам қўлини чўзди. Фалла берди, мард ва жасур ўғлонларини юборди, озиқ-овқат, қурол-аслаҳа жўнатди. Россияядаги қурол-аслаҳа ишлаб чиқарадиган Чкалов заводи Тошкентга кўчиб келди. Бу ерда 1943 йили самолётни бомбардимон қиласиган «Катюша» чиқарила бошланди. Бу немисларнинг чекинишига ёрдам бера бошлади.

Санкт-Петербург (Ленинград) шаҳри қамалда эди. Шунда болалар, кампирлар, ногиронларнинг ҳаммаси бир эшелонга солиниб қайси республикага жўнатиш масаласи кўтарилган пайтда уларни қабул қилишни бошқа республикалар рад этади. Ўзбекистон халқи эса уларни бағрига олишга тайёр эканини айтди. Шундай қилиб Тошкент вокзалига катта эшелон кириб келди.

Мен ҳам колхоздан вокзалга одамларни олиб келиш учун бордим. Тошкент вокзали тўла одам. Қамалдан келганларнинг ранги бир аҳволда, болалар, кекса кампир ва чоллар оч, бошлари битлаб кетганди. Умуман, уларнинг барчаси уруш қолдирган асоратлар туфайли ҳам рухан, ҳам жисман азоб чекканлиги шундоқкина кўриниб турарди. Бизни ўзбек аёллари «буни мен олиб кетаман», «уни мен олиб кетаман», – деб уларни қўлидан етаклаб олиб кетди. Детдорлардан ҳам маҳсус вакиллар келиб, етимларни олиб кетишарди.

Колхоз вакиллари билан бирга битта кампир, иккита етим қиз, яна битта каттароқ қизни олиб келиб бир кампирнинг уйига жойлаштиридик. Шундай қилиб, Россиядан келганлар колхозлардан, хонадонлардан паноҳ топди.

Мен уруш йиллари Тошкент туманидаги колхозда бухгалтер бўлиб ишладим, опамга ёрдам бердим. Шу ерда турмушга чиқдим. Адабиётга бўлган муҳаббат мени таҳририятга етаклаб келди, 1941 йили ташлаб кетгандан педагогика университетини тил ва адабиёт таълими бўйича қайтадан ўқий бошладим. Нихоят, 1956 йили ўқишни битиришга муваффақ бўлдим.

1950 йилда мен мамлакатнинг бош газетаси – «Қизил Ўзбекистон»га энди ишга кирган пайтим эди. Ўша вактлар ҳам ниҳоятда оғир йиллар бўлди. Одамлар орасида шивир-шивир бўларди: «Шуҳратни қамаб кўйибди», «Мирзакалон Исмоилийни олиб кетишибди», деган гаплар қулоғимизга чалиниб турарди. Лекин, унинг сабабини ҳеч ким очик-ойдин айта олмасди. Буларнинг ҳаммаси ўша пайтлари сир тутиларди. Шундай қилиб, Мақсад Шайхзода, Мирзакалон Исмоилий, Шуҳрат, Шукрулло, Сайд Аҳмад каби ҳалқимизнинг забардаст адиллари ҳеч қандай асосларсиз қамоққа олинди.

Сайд Аҳмадни қаердан билдиқ, денг? Хотини Саидахон босмахонага куръер бўлиб ишга келиб, хат таший бошлаганди. Кейин билсақ, Саидахонимни «халқ душманини хотинисан», – деб Ёзувчилар уюшмасидан, ишхонасидан ҳайдашган экан.

Ҳамма ҳайрон. Ҳеч ким буни тагига етолмайди. Барча бирдек ғам-ташвиш ботқоғига ботган. Таҳририядта ниҳоятда оғир вазият ҳукм сурарди. Одамларга ўйин-кулги, байрам татимасди. Кимларнингдир оила аъзоси, таниши, ҳеч бўлмаса, узок кариндоши ноҳақ олиб кетилган, бошқалар ҳадиксираб юрарди...

1953 йили Сталин ўлимидан сўнг қамалганларнинг барчаси окланди. Ана ундан кейин ҳамма эркин нафас ола бошлади. Озиқ-овқат, уй-жой таъмин бўла бошлади. Лекин, эркинлик бормиди? Ўша вактларда матбуотда ҳам цензура ҳукм сурарди. Газетанинг ҳар бир саҳифаси текширувдан ўtkazilar, бирон жойида ноўринроқ сўз бўлса ўтмасди.

Шунинг учун ҳар бир мақолани эҳтиёткорлик билан ёзишга уринардик. Қанчадан-қанча мақолаларимиз қайтариб бериларди. Бунақа воқеалар кўп бўлган.

Ўша пайтлари кўп очерклар ёзгандим. Ёзганларимдан кейин қаҳрамон бўлганлар ҳам кўп бўлди. Аммо, бадиий асаримни ўша йиллари чиқара олмадим. «Дил фарёди» романим 2001 йилда чоп қилинди. Чунки, унинг мавзуси яқин ўтмишимиз тарихига дахлдор эди. Унда мана шу ноҳақликларнинг барчаси акс эттирилган бўлиб, уни ҳеч вақт цензура ўтказмас эди-да!

– Аслида роман қачон ёзилган эди?

– Тахририятда ишлаб юрганимда уни бошлаган эдим.

– **Тахминан неchanчи йиллар эди?**

– 1965 йили мухаррир ўринбосари вазифасида ишлай бошлаганимдан сўнг ёзишга имконият пайдо бўлганди. Ўшанда парча-парча қилиб ёзиб, уларни саклаб юардим. Уни ўша пайтларда чиқара олмасдим-да!

Мамлакатимизда мустақиллик эълон қилиниб, барча соҳалар каби матбуот эркинлигига эга бўлганимиздан кейингина мен китобимни ёзиб тугаллашга муваффак бўлдим. Бунда очарчилик ва қаҳатчилик йиллари ҳам, катағонлар ҳам, уруш даври ҳам акс эттирилган.

– **Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилинган пайтда кўнглингиздан қандай ўйлар ўтди?**

– Энг аввало «Ниҳоят эркинликка эришибмиз-да! Ниҳоят эркин ёза олар эканмиз! Ниҳоят ўзимизни овозимиз бўлар экан-да! Ниҳоят фарзандларимиз ҳам эркин, мустақил яшар экан!» – деган ўйлар дилимдан ўтди. Авваллари ўзбек талабалари бирон бир мутахассисликни битириб ишга борганларида, уларга тўла баҳо берилмаган, ҳаттоқи улар муносиб иш билан ҳам таъминламаган. Бундай ҳодисалар кўп бўлган. Буни бирор билиб, бирор билмаган.

Энди ҳар бир соҳанинг ҳақиқий эгаси ишламоқда. Уни бирор туртиб чиқарип қўймайди. Шу соҳага қобилияти борми, билими, малакаси етарлимни, ўзи ишлаши керак. Ҳа,

ҳозир қобилиятли қадрларнинг қадрига етадиганлар бор.
Мана шу хаёллар мени камраб олганди ўшандা.

Қаранг, халқимиз узок йиллар давомида, собиқ тузумнинг инсон эркини ҳам, руҳини ҳам маҳв этувчи қора исканжаси остида сиқиниб, эркин нафас ололмай яшаб келди.

Тахририятда ишлаб юрганимда мажлисда битта рус қатнашса мажлис ҳам рус тилида бўларди. Бу халқ – колоқ халқ, саводи йўқ, дейишарди. Одамга алам қиласди. Агар шундай бўлса, бутун дунё Ибн Сино, Берунийдек алломаларни қадрлармиди?

Ҳозир ундан эмас. Энди она тилимизда эркин гаплашиб, ўз фикримизни бемалол баён эта оламиз. Шунинг ўзи эркинлик эмасми?

Ҳа, биз юксак тарихий кунларни бошимиздан кечирияпмиз. Бу ёруғ кунлар тарих зарваракларига олтин харфлар билан битилиши аён.

«Кулганлар бошка, йиғлаган менман» номли пьесамда «қулок», қатағон қилингандарнинг фарзандлари тарбияланадиган интернат ҳаёти ҳақида ёзилган. Бир сўз билан айтганда, ушбу асарда айни болалигида қаҳатчиликнинг жабру жафоларини бошидан кечирган, етимликда катта бўлган ва эркинликни орзу қилган инсонлар ҳаёти акс эттирилган.

Ҳайриятки бугун ҳаммаси ортда қолган. Азалий орзуумидларимиз рўёбга чиқди. Шундай экан барчамиз **МУСТАҚИЛЛИК ҚАДРИГА** етишимиз, уни авайлаб-асрашимиз ва завол етказмасдан келгуси авлодларга мерос қолдиришимиз зарур.

Козимхон Сагдуллаев тайёрлади.

Тошкентлик Маргарита

Маргарита Георгиевна Меркулова – 1926 йилда Санкт-Петербург (Ленинград) шаҳрида туғилган. 1941 йилда отаси раҳбарлик қиласидаги ҳарбий завод таркибида Тошкент шаҳрига эвакуация қилинганды. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Урушдан кейин бир оз муддат Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармасида вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясида фаолият юритган. Сўнгра халк таълими тизимида узоқ йиллар педагог сифатида ишлаган. Шунингдек, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари ва «Нуроний» жамғармасида ҳам фаолият кўрсатган. Айни пайтда Юнусобод туманидаги «Янгиобод» маҳалласи фахрийлар кенгаши раиси.

– Сиз Иккинчи жаҳон урушини кўрган, бевосита унда қатнашган авлод вакилисиз. Шубҳасиз, бу уруш бошқалар қатори Сизнинг ҳаётингизни ҳам остин-устун килиб юборган. Шундай эмасми?

– Нимасини айтасиз! 1941 йилнинг 11 августида отам раҳбарлигидаги ҳарбий завод таркибида Тошкент шаҳридаги Қишлоқ хўжалиги машина заводи майдонига келиб тушдик. Ўша вактда заводни томи, девори йўқ эди. Шунга қарамай фронт учун курол-яроғ ишлаб чиқарилиши йўлга кўйилиб, завод шошилинч ишга тушиб кетганди.

Уруш йиллари Тошкентга турли ҳудудлардан нафақат ҳарбий саноат, балки, илмий ва маданий жамоатчилик ҳам кўчирилди. Биргина Россиядан 1 миллиондан ортиқ кишилар келди, уларнинг 200 минги болалардан иборат эди. Биз ҳам вокзалга чиқиб, болаларни кутиб олардик. Уларни ювиб тараардик.

Бутун синфимиз, 16 та ўғил бола ва 12 та киз ихтиёрий равишда урушга отландик. Ҳарбий тайёргарлик Туркманистоннинг Чоржўй шаҳрида бўлди. 1943 йилнинг февралидан топограф-радиотелеграфчи (радист) бўлиб жанг майдонига

925605

кирдим. Жанговар йўлим Курск ёйидан то Берлингача бўлди. Берлин қамалида ҳам қатнашдим.

– **Маргарита Георгиевна, синфдошларингиздан қанчаси урушдан қайтди?**

– Саккизтаси. Аммо, уларнинг аксарияти саломатлигини йўқотган, ногирон ҳолатга келиб қолган эди. Ўзимдан қиёс. Контузиянинг оғир кўринишини бошдан кечирдим. Кўриш, эшигиш, нутқ борасида муаммолардан азоб чека бошладим. Устига-устак оёғим ҳам яраланган эди..

Ҳа, уруш аёл ёки эркак деб қараб ўтирас экан. Биз аёллар эркаклардан колишмасдан, шинел ва кирза этикларда жанг қилдик. Аёллар орасида нафақат алоқачилар, шифокорлар, ҳамширалар, учувчилар, балки пулемётчилар, снайперлар ҳам бор эди. Қанчадан-қанча аёллар урушда ҳалок бўлишди. Курск ёйида 8 та жангчи алоқачилардан ажралдик. Ҳанузгача ёдимда улар: Костя Кузнецов, Саша исмли икки ёш йигит, Ваня, Ефим Сахной, Павел, Фаффор ва Хадичахоним. Улар хали жуда ёш, ота ва оналик баҳтига ҳам эга бўла олишмади. Лаънати уруш уларни яшаш баҳтидан маҳрум қилди...

Ўзбекистонлик 450 минг жангчи фронтдан қайтмади. Уларнинг жасади қўйилган қабрлари ўзга юртларда қолиб кетди.

– **Уруш ва тинчлик. Инсониятни ташвишга солган азалий мавзу. Аммо минг надоматлар бўлсинки бугунги дориломон кунларда тинчликнинг қадрига ҳамма ҳам еставермайди, урушдаги йўқотишларни англамайди.**

– Урушдаги йўқотишлар...

Польшадаги Висла дарёси бўйида артиллерия отишмаси бўлиб ўтди. Шунда биз ўтирган машина қурол-яроғи билан дарёга ғарқ бўлди. Машина ичидан қирғоқ томон суза бошладим. Бизникилар қаерда, душман тараф қайси томонда эканлигини билиш жуда қийин эди.

Ўз кисмимга етиб боргунимча штабдан «қаҳрамонларча ҳалок бўлди», деган қора хат Тошкентга жўнатилган экан. Шўрлик онам жудоликка чидомасдан аччиқ устида уруш майдонига ўз ихтиёrlари билан кетибдилар. Улар кўприк қурилиши бўйича муҳандис эдилар... Мен урушдан омон қайтдим. Онам эса Болгарияда бўлган жанглардан бирида ҳалок бўлдилар...

Фронт газеталаридан бирида ўқиган эдим. Тошкент давлат педагогика институтининг тарих факультети 2-курс талабаси Елена Стемпковская кўнгилли бўлиб урушга кетади. У жанг майдонида радиостлик қилаётган вақтида асирга тушади. Ундан душман тараф радиотелеграф кодини беришни сўрайди. Агар у ўша кодни берса юзлаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлиши мумкин эди. У иккита кўлини кесиб ташлашганда ҳам кодни бермайди, ҳалқини сотмайди. Кейин уни отиб ташлашган. Ўлимидан сўнг уни қаҳрамон деб эълон қилишди. Мана шу аёл мен учун қаҳрамонлик тимсоли бўлиб қолди. Кўрдингизми, тинчлик учун, ғалаба учун қанчадан-қанча одамлар ширин жонларини курбон қилдилар.

Биз, урушга кетганимизда ёш кизча эдик. Айни гўзал ёшлиқ давримиз кирғинбарот урушда ўтди. Ҳа, урушнинг нима эканини, мана бизлардан сўранглар. Унинг даҳшатини сўз билан таърифлаб ҳам, тавсифлаб ҳам бўлмайди. Ана шундай қўрқинчли кунларни келажак авлод ҳеч қачон кўрмасин. Бутун жаҳонда тинчлик ва осойишталик бўлсин.

— Сиз ҳақингизда фахрийлар билан гаплашганда, уларнинг юзларига табассум югуриб, «Тошкентлик Маргарита»ми деб сўрашади. Нима учунлигини ҳам айтиб беришди. Лекин, бу воқеа бевосита сиз билан боғлиқ. Шу сабаб, у қандай содир бўлганлигини ўз оғзингиздан эшишини истардик.

— Ўзбекистонлик жангчилар Берлингача боришди. Мен Рейхстагга борганимда, девор ва колонналарда «Биз

Туладан», «Биз Москвадан» деган ёзувлар ва имзоларга кўзим тушди.

Мармарли устунлардан бирида бошлангич синф ўқитувчилари га хос чиройли ёзув билан «Мы из Ташкента» қайдига кўзимга тушди. Унинг тагида 7 та фамилия бор эди. Хотирам панд бермаса, етти рақами остида «Юсуф Шарипов (Бухородан, ўқитувчи)», деган ёзув бор эди. 8 рақамини кўйиб, «Рита Беляева (Тошкентдан, радиост)», деб ёзиб кўйдим.

2010 йили сайёхлар билан Германияга сафар қилган чоғимда Рейхсталгга бордим ва бу ҳакда ўша ерда журналистларга интервью ҳам бердим.

Уруш йиллари ватандошларимиз жангчиларга қуруқ мевалар, нон, кийим-бош ва бошқа фронтга керакли ва зарур нарсаларни жўнатишарди. Ана шундай совғаларни олиб турадик. Бир сафар янги кийим чўнтагидан қофоз чиқди. Унда куйидаги мазмунда ёзув бор эди: «Азиз дугонам, тезроқ ғалаба қозон! Ватанга қайт! Мен сенга чиройли кўйлак тикиб бераман». Бир қараашда бу баландпарвоз гапдек кўринар, лекин, унинг ортида сенга ишонч билан қараётган инсонлар меҳри, Ватанинг тафти мужассамдек эди, менинг назаримда.

Энг қизиги шундаки, мен ўша хат муаллифи билан Тошкентга қайтганимдан кейин, ҳозирги Олмазор туманинаги Обод маҳалласида ишлаётган вақтимда учрашдим. Мен фахрийлар кенгашининг раиси эдим. Тадбирлардан бирида маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси Муҳайё Фозиева уруш ҳакида гапириб қолди. У уруш йилларида 15-16 ёшдан бошлаб тикувчилик қилгани, тиккан кийимларини фронтга жўнатилгани тўғрисида ҳикоя қилди. Кейин бирданига чўнтакка солинган хат ҳакида айтиб қолса бўладими? Мен ҳаяжонлаганимдан титраб кетдим. Ахир ўша кийимлардан бирини мен ҳам олган эдим-да! Кейин Муҳайё билан опа-сингилдек бўлиб кетдик.

Мен меҳмондўст Ўзбекистон халқидан миннатдорман.

Уруш тугагач, Берлин комендатурасида ишга олиб қолишиди. Германияга каторга қилингандарни Ватанига репортация қилишда қатнашдим. 1947 йили Тошкентга қайтдим. Шароитлар жуда оғир эди. Ўзбек халқи ўзи ейдиган нонини бошқалар билан бўлишганини ўз кўзим билан кўрганман. Охирги бурда нонини ҳам, қанча киши бўлса шунчага бўлган. Миллатларга айрича қарашдек ноҳуш ҳолатлар бўлмаган. Ўзбек, рус, қозоқ ё бошқаси – фарқи йўқ эди... Бу меҳридарё ҳалқ учун – улар қандай миллат бўлишидан қатъий назар асосийси, инсон бўлса бас!

– 1991 йил 31 августда мустақиллик эълон қилинган вақтда кўнглингиздан қандай ўйлар ўтди?

– Очигини айтганда, Ўзбекистон мустақиллигини аввалига тасаввур ҳам қила олмаганман. Ваҳоланки, олий маълумотга эга бўлсан ҳам. Мени хаёлимни «Республика қай йўл билан ривожланади», деган савол безовта қиласарди. Менимча, буни фақат Президентимиз Ислом Каримов жуда яхши тасаввур қила олган бўлсалар керак. Бу инсоннинг ташаббуси билан «ўзбек модели» ишлаб чиқилиб, ҳаётимизга кенг татбиқ қилинди.

Мамлакатнинг мустақилликка эришиши – Ўзбекистоннинг ривожланиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Бугунги кунни собиқ Иттифоқдаги давр билан солиширишга ўрин ҳам йўқ. Бу барчага аён ҳақикат. Сабаби, биз мустақилликка, эркинликка эга бўлдик. Таълим олиш имконияти кенгайди.

Хозирги ёшлар ҳамма нарсага тезроқ эришишга интилишади. Ҳам мутахассислик, ҳам пул топишни биргаликда олиб боришга ҳаракат қилишади. Эплаб кетса – яхши. Аммо энг аввал ўқиши, меҳнат қилишни жойига кўйиш керак. Чунки, ҳар бир ёш – жамиятдан ташқарида эмас, юртимиздаги ўзгаришларнинг бевосита иштирокчиси сифатида фаолият юритиши зарур. Уларга қаратса шундай дегим келади: «Ўқиши билан машғулмисиз, бор кучингиз

билан ўқинг. Хорижий тилларни ўрганинг, спорт билан шуғулланинг, доимо юксак чўққиларни забт этишга интилинг!»

Шароитларга қаранг. Биз керосин лампа нурида ўтирган вақтларимиз бўлган. Бўш вақтимизда кутубхонага катнар эдик, мулоқот килиш учун бир-биримиз билан учрашиб турардик. Ҳозир-чи? Яратилган имкониятларга караб кишида ёшларга хавас уйғонади. Улардан колишмасликка, замонавий бўлишга интилади киши. Мана ўзим ҳам бўш вақтларда тил ўрганиш билан бандман.

Ҳозир 90 ёшга кирдим. Ўзбекистон фахрийлари ҳаракатида катнашиб келмоқдаман. Касбим бўйича педагог-психологман. Дастрлаб Москва давлат университетини ушбу мутахассислик бўйича тамомладим. Мактабда биологиядан дарс бериш учун методикани эгаллаш мақсадида Тошкент давлат педагогика институтини 1962 йилда тамомлаб, диплом олишга муваффақ бўлдим.

Ҳаётим давомида касбим жуда аскотди. Ҳозир ҳаёт бўлган фахрийларнинг аксариятини педагоглар ташкил этади. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ватанпарвар» ташкилоти доим бизларни ватанпарварлик тадбирларига жалб қилиб келишади.

Мен дунёдаги энг баҳтли аёлман! Чунки, менга мустақиллик замонида яшаш насиб этди. Асли келиб чиқишим, миллатим рус бўлса-да мен ўзимни ўзбек аёли деб ҳисоблайман. Чунки, ўзбек тили, одати ва анъаналарини яхши биламан. Қолаверса, хонадонимда ўзбек оиласи бор. Ўғлим ўзбек кизига уйланган, қудаларим ўзбек.

Ўзбекистон – она Ватаним, маҳаллам, оилам маним. Уруш фахрийларини давлатимиз доим қўллаб келмоқда. Бундай эътибор учун Президентимиздан миннатдорман.

«Нуроний» жамғармасининг жамоатчилик асосида маҳалладаги раиси ҳисобланаман. Яна маҳаллада ярашириш комиссияси ишида ҳам катнашиб келаман. Биз уруш фахрийлари бор билимимиз, профессионал тажрибамизни

ёш авлодга етказиш орқали Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳисса кўшаётганимиздан фаҳранамиз.

Яна ҳали кўп эзгу ва хайрли ишларни қилиш мумкин. Бу борада ўз режаларим, лойихаларим бор. Бу эзгу ишларни кейинги авлод давом эттиради, деган умиддаман. Улар биздан яхшироқ яшасин, биздан кучли, доно ва соғлом бўлишини, ўзларининг юксак билим ва тажрибалари, тинимсиз меҳнатлари билан она Ватани – Ўзбекистонга нафи тегишини истайман!

Бугун Ўзбекистонни дунё танийди, у билан хисоблашади. Юртимнинг жаҳон ҳамжамиятида нуфузи ошиб боришига, салмоқли ўринлардан бирида бўлишига ишонаман.

Ирода Турдиева тайёрлади.

Шукrona

Яйра Умаровна Абдуллаева – 1930 йили Андижонда, санъаткор оиласида таваллуд топган. Ижодий фаолиятини 1944 йили Гавҳар Раҳимова бошчилигидаги фронт хотин-қизлар ансамблида бошлаган. 1950 йилдан ҳозирга қадар Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси. Ўзбекистон халқ артисти. «Дўстлик» ва «Эл-юрт ҳурмати» орденлари билан тақдирланган.

– Мустақиллик ҳаётимизда улкан ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Сизнингча, бу ўзгаришлар энг аввало нималарда намоён бўлмокда?

– Аллоҳга беҳисоб шукр, шу кунларга етказганига шукр.

Энг аввало, ўзгаришлар ҳақида. Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Шу маънода инсоннинг ўзи учун, унинг ривожланиши учун ҳам ўзгаришлар бўлиши муҳим. Бу – инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат. Лекин, ривожланиш ҳамма вақт ҳам барқарор бўлавермайди. У баъзан пастга,

баъзида эса тепага қараб ҳаракат тарзида содир бўларкан. Албаттга бунинг ўзига яраша қийинчиликлари бўлади. Бирок, улар вактингчалик, ўткинчи эканини яхши тушуниб, хар ўтаётган тинч-фаровон кунингни қадрлаш, унга шукроналик хисси билан қарашиб, яшаш, меҳнат қилиш лозим, деб ўйлайман.

Қаранг, ажойиб даврда яшаяпмиз, катта бир ўзгаришларнинг гувоҳи бўляпмиз. Амалга оширилаётган қурилишларни олинг. Тошкентимиз борган сари гўзаллашиб, кўркамлашиб бормоқда. Ҳозир шахримиз, дунёнинг энг машҳур шаҳарлари қаторидан жой олган, десак муболага бўлмайди. Ҳа, Тошкент мен ёшлигимда билган шаҳар эмас, у батамом ўзгариб кетган.

Ёки шу кунларда Бразилияда бўлиб ўтган Олимпиадани олинг. Ўзбек ёшларининг ундаги иштироки, ғабаларини кўриб, ғурурланаман, фаҳрланаман. Ўзбекистон фарзандлари эришаётган муваффакиятларидан, Ватанимиз фарзандлари, келажагимиз учун хурсандлигимдан кўзимга ёш келади.

– Катта ҳаёт йўлини босиб ўтган инсон сифатида бугунги ёшларга ўз ҳаётий тажрибангизга асосланиб нималарни айтишни хоҳлар эдингиз?

– Мен – XX аср одамиман. XX аср чексиз йўқотишлару муваффакиятлар билан тарихга кирди...

Урушни ҳали ҳануз унуполмайман. Ўшанда тақдир тақозоси, уйдаги шароит туфайли мени ҳам ансамблъ билан бирга фронтга олиб кетишганди. Ўшанда эндиғина 14 ёшга кирган қиз эдим.

Ҳа, мен қирғинбарот урушни ўз кўзим билан кўрдим. Бомбалар портлашининг, отишмаларнинг, уруш суронларининг гувоҳи бўлганман. Биз фронтда жангчилар олдида концерт қўяр эдик. Қўл оёғи бутун, соғлом инсонлар олдида санъатимизни намойиш этардик. Лекин ярим соат ўтгач, улар жангга киришарди...

Улардан баъзилари жангда ҳалок бўларди, баъзилари эса майиб-мажруҳ ҳолатда қайтарди. Госпиталлардаги нохуш ҳидлар ҳамон димоғимдан кетмайди. Уни сўнгти нафасимгача ҳис қилсам керак. Ҳа, бу мудхиш кунларни унутиш жуда қийин.

Ёшларимиз тарихни, тарих сабокларини яхши ўзлаштиришлари керак. Инсон ҳаёти – энг олий қадрият. Лекин надоматлар бўлсинки, шундай тинч-фаровон замонда терроризм, диний экстремизм офати инсонлар ҳаётига зомин бўлмоқда. 1999 йил февраль воқеаларини эсланг. Худо кўрсатмасин, агар душманлар мақсадига эришганида, нималар содир бўлишини тасаввур этишнинг ўзи даҳшат!

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов юртимизда тинчлик ва баркарорликни мустаҳкамлаш йўлида шижаот ва куйинчаклик билан жуда катта ишларни амалга оширмоқдалар. Алоҳида шуни таъкидламоқчиманки, тарихни шундай шахслар яратади, тарихнинг қай йўлдан кетишига бундай инсонлар катта таъсир кўрсатадилар.

– Ўзбек ҳалқи учун XX асрдаги энг катта йўқотишлар уруш каторида қатағонларга ҳам тўғри келади. Сизнинг оиласизни ҳам қатағон четлаб ўтмаган бўлса керак?

– Менимча, ўша вактда қатағон сиёсати оқибатида тинчлиги бузилмаган деярли бирор оила қолмаган. Холам Тамарахонимга тухмат бўлган пайтлари оиласиз учун жуда хавотирли давр бошланди. Ҳалқ эътиборидаги инсонлар каторида уларга ёлғон айловларни ёпиширишга ҳаракат қилишган эди. Ҳайриятки, ўша вактдаги Ўзбекистон раҳбарлари холамни жуда яхши билганлари учун бу машъум ишларни тўхтатиб қўйишга муваффақ бўлишган.

Лекин, Амалия холам учун бу давр жуда оғир бўлди. Холам бир неча хорижий тилларни мукаммал билган ва ўз даврининг истеъдодли журналисти эди. 1927 йилда Маннон Уйғур бошлиқ бир гурӯҳ актёрлар Москва драма студиясида таҳсил олаётганида Амалия холам дарс

машғулотларини ўзбек тилига таржима қилиб турғанлар. Ўшандада улар Маяковский, Есенин билан танишган экан.

Амалия холамнинг ўзи ҳам машхур шоир Ботунинг турмуш ўртоги эди. 1942 йилда Боту камокка олингач, холамга матбуотда мақолалар эълон қилиш, умуман журналистлик фаолияти билан шуғулланиш таъқиқлаб қўйилди. Бечора холам рус тилини мукаммал билганлари учун ўзбек тилидан рус тилига таржима билан шуғулланиб, кун кечиришга мажбур бўлдилар. Кейинчалик Душанбе шаҳрида болалар уйига раҳбар бўлиб ишладилар.

– Сиз актисалик фаолиятингизни бошлаган давр билан ҳозирги вақтдаги театр санъатининг ҳолати бўйича нималар дея оласиз?

– 50-70 йилларда театrimизнинг гуркираб яшнаган даври эди. Менинг ва мен каби ёшларнинг баҳти шунда эдики, ўша пайтлари ажойиб репертуар шаклланган, жамоада ажойиб режиссрлар, кучли актёрлар бор эди. Бу йиллар менинг ҳаётимдаги унутилмас давр бўлган. Мен Тошхўжа Хўжаев каби ажойиб режисср билан бир курсда ўқиган эдим. Театрда Шукур Бурхонов, Саъдихон Табибуллаев, Замира Ҳидоятова, Зайнаб Садриева, Наби Раҳимов, Олим Хўжаевлар бор эди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос олам, бошқача қилиб айтганда, улар ўтган асрнинг энг забардаст ва улуғ инсонлари эди. Мен шундай инсонлар билан бир театрда ишлаганим, бир саҳнада ўйнаганимдан ўзимни ниҳоятда омадли актриса деб биламан.

1950 йилдан буён саҳнадаман, жуда кўп ролларни ижро этдим.

Мустақиллик йилларида театrimизга, умуман санъат соҳасига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Театrimиз мақоми «Миллий» бўлди. Бу ҳам мустақиллик шарофа-тидан.

Театр соҳасига истеъоддли ёшлар кириб келмоқда. Умуман олганда, ёшлар учун жуда катта имкониятлар, шарт-шароит яратилган. Биргина Алишер Навоий номидаги

Миллий кутубхонага разм солинг. Ажойиб бино, бамисоли сарой бунёд этилган. Шунчалик ёруғки, гўё китоблар оламидан нур таралаётганга ўшайди.

Ёшларимиз факат билим олиши, ҳунар ўрганиши керак. Яна улар ҳеч нарса ўзидан-ўзи бунёд бўлмаслигини, ҳар қандай натижага факат машаккатли меҳнат билан эришилишини ҳам ҳамиша ёдда саклашлари лозим. Яна истардимки, улар ўз устиларида кўпроқ ишласинлар. Баъзи ёшларга кунт, сабр-тоқат етишмайди, назаримда.

Ўзимдан киёс. Болалигимда оилавий шароитга кўра мени бувим Ўратепага олиб кетганлар. У ердаги мактабда тожик тилида тахсил олганман. Шунинг учун театрда иш фаолиятимни эндиғина бошлаганимда, ўзбек тилини билмаганим учун жуда кийналганман. Ўша вақтда уни чуқур ўрганишга киришдим. Йиллар давомида ўзбек тилини яна ҳам мукаммал эгаллашга, унинг нақадар бой ва жилвакорлигини билишга ҳаракат қилдим. Бугунги кунга қадар ҳам бу жараён тўхтагани йўқ. Ўқиганим, ўрганганим сари тилимизнинг жозибасини, имкониятларини ўзим учун очиб келяпман. Айтмоқчиманки, бизнинг касбимизда ўз устида ишлаш, маҳоратини сайқаллаштириш умрбод давом этиши лозим. Ёшлар буни яхши тушунишлари керак...

Бугун ёши улуғ авлод вакиллари театрда ёшларга тарбия бераётгани, ўзларининг бой тажрибасини уларга етказаётгани катта гап. Чунки, касбимизнинг ўзига хос сирасорлари, нозик жиҳатлари бор. Ахир айтишадику, «қари билганни»...

Умуман, ҳалқимиз жуда санъатсевар, санъаткорни қадрлайдиган ҳалқ. Саҳнага чиққанимизда бизни шундай олқишлишадики, беихтиёр биз ҳам уларга бутун қалбимизни бахшида қилишга тайёр бўламиз.

Театр – хаёт кўзгуси. Бу санъат яхши ва ёмонни ажратишга ёрдам беради. Театримизга академик номининг берилиши ҳам шундан. Мен театр инсонларни тарбиячиси, хаётда тўғри йўлни кўрсатувчи ибрат мактаби деб биламан

ва ана шундай максад билан тинимсиз меҳнат килишга, халқимизнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиласман.

Севара Пўлатова тайёрлади.

Имзо қўймадим...

Маман Таниевич Таниев – 1935 йилда Қашқадарё вилоятида туғилган. Қишлоқ хўжалигида агроном, бош агроном, бўлим бошлиғи (раис), касаба уюшма раиси вазифаларида ишлаган. Ҳозир нафақада.

– **Қишлоқ ҳаёти Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш арафасида қай ҳолатда эди?**

– Мен – дехкончилик бўйича мутахассисман, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида таҳсил олиб, олий маълумотли агроном сифатида узоқ йиллар фаолият юритдим. Иш фаолиятим давомида Қашқадарё вилоятининг Қарши, Нишон, Ғузор туманлари далаларида агроном сифатида, шунингдек, жамоа хўжалигида раҳбар лавозимларида ҳам ишладим. Собик Иттифоқ даврида ҳеч ким ўз ақл-идроқи, билими, тажрибасига таяниб бирор ишни юритишга ботина олмас эди. Факат юқори ташкилотлардан келадиган буйруқ ва топшириклар асосидагина иш олиб борилар эди. Ерни қачон ҳайдаш, унга қандай экинлар экиш, қачон сугориш, давлатга қанча ҳосил топшириш каби масалаларнинг ҳаммаси компартия топшириғи ва кўрсатмаси билан ҳал қилинар эди. Қайси ерда нима етиштириш, қайси худудда чорвани кўпайтириш учун етарли табиий шароит мавжуд ёки шунга ўхшаш қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ масалалар ўртага ташланмас, ҳаттоқи муҳокама ҳам қилинмас эди. Барча масалаларни собик «марказ» ҳал қиласман эди. Масалан, қадимдан коракўл зотли кўйлари билан машҳур Қарши чўлида пахта етиштирилди. Кўп микдорда сув талаб

қиладиган пахта далалари учун қанчадан-қанча сув ресурси беҳудага исроф қилинди.

Ҳар йили янги ўкув йили бошланиши арафасида, яни август ойи охирида болаларга китоб-дафтар, мактаб кийим-боши олиш ўрнига, уларни 2-3 ойга пахта теримиға жұнатыш олдидан иссик кийим-бош харид қилиш отаоналар учун одат тусига кирған эди. Табиий ресурсларға бой бепоён ҳудудларға мажбуран сув ҳайдаб пахта майдонларининг кенгайтирилиши оқибатида турли экологик муаммолар келиб чиқди. Ерларнинг мелиоратив ҳолати ниҳоятда ёмонлашды. Ёввойи ҳайвон турлари кескин суръатда камайиб кетди. Эсимда Қарши атрофидаги чўлларда 50-йилларгача ёввойи кийиклар ўтлаб юрган. Отам Тангриберди бобо чўлда чорва (туя, қўй боқиши) билан шуғулланган. Бир куни отам чўлдан бетоб бўлиб, онасидан адашиб қолиб кетган кийик боласини топиб, уйга олиб келганлари хотирамда яхши қолган. 80-йилларда эса бу чўлларда азалий яшаб келган эчкиэмарларни аҳён-аҳёндагина кўриш мумкин эди. Буларнинг сабабчиси собиқ Иттифоқ даврида бебаҳо неъматимиз бўлган ердан, табиий ресурслардан фойдаланишда оқибатини ўйламасдан исрофгарчиликка йўл қўйилганида, деб биламан.

– **Мустақиллик йилларида қишлоқ ҳаётида қандай ўзгаришлар содир бўлди?**

– Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Юртбoshимиз собиқ тузумдан мерос қолган пароканда иқтисоднинг аянчли ҳолатини, Ўзбекистонда юзага келган мураккаб ижтимоий вазиятни ҳар томонлама таҳлил қиласинан шундай деди: «Биз бундан буён эскича яшай олмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди, бошқаларнинг миннатли ёрдамига эмас, фақат ўзимизга, ўз кучимизга, ҳалқимизнинг салоҳияти ва иродасига таяниб иш қўрамиз, ҳеч ким четдан келиб бизнинг муаммоларимизни ҳал қилиб бермайди».

Дарҳақиқат, мустақиллик шароғати билан қишлоқларимиз киёфаси тубдан ўзгарди, янги иш ўринлари яратилди, қишлоқ аҳолиси, хусусан, ризк-рўзимизни яратадиган дехқонлар ҳар томонлама қўллаб-куватланди, ерлар ўзининг ҳақиқий эгасини топди. Фермер хўжаликлари ташкил этилди. Собиқ Иттифоқ даврида ташландик бўлиб ётган майдонлар бофу-роғларга айлантирилди. Фермерларимиз бугунги кунда қишлоқ тадбиркорлари сифатида катта-катта ерларга, турли русумдаги қишлоқ хўжалик техникаларига эга бўлишган. Янги техника экинлари турлари кириб келди. Интенсив боғлар бунёд этилмоқда. Ерларга ишлов беришнинг ва экинларни сугоришнинг янги тежамкор усуслари қўлланилмоқда. Эҳе-э, бу янгиликларни айтиб адогига етолмайсан, киши...

– Собиқ тоталитар тузуми даврида ноҳақ жабр кўрган ватандошларимизнинг номларини агадийлаштириш бўйича мустақиллик йилларида қатор ишлар қилинди. Бу ҳақда нималар дея оласиз?

– Яқиндагина Ҳурматли Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг газетада чоп қилинган нутқларидан бирида Ўзбекистонда пахта етиштиришни босқичма-босқич 3 миллион 350 минг тоннадан 3 миллион тоннага камайтириш ҳақида айтган сўзларини ўқиб қолдим. Бундан жуда хурсанд бўлдим. Собиқ Иттифоқ даврида б миллион тонна пахта етказиб бериш мажбурияти ортидан ерларнинг сифати бузилгани етмаганидек, қанчадан-қанча дала меҳнаткашларининг бошига тухмат тошлари ёғдирildи. Улар орасидан қўплаб беайб инсонлар турли муддатларга қамоқ жазосига маҳкум этилди. Қариндошим – Рўзибой Туропов собиқ Иттифоқ даврида Ғузор туманининг совхозларидан бирида бор-йўғи саккиз ойгина директор бўлиб ишлаганига қарамай унинг устидан 1983 йилда жиноий иш очилиб, «пахта иши» бўйича 10 йилга қамалди. Ўша вақтда уни айрим хужжатларга имзо қўйишга мажбур қилишган эди. Ноҳақ қамоқ жазоси хукм қилинган

қариндошимнинг уйидаги мол-мулки давлат ҳисобига мусодара қилиниши қўзда тутилган эди. Эсимда, суднинг бу ҳукмини амалга ошириш учун келган масъуллар унинг пахса лойдан қилинган, томи қамиш билан ёпилган, поли эса лой сувоқ, бор-йўғи икки хона ва битта дахлизчадан иборат уйини кўриб, ундан ортиқча ҳеч нарса йўқлигига гувоҳ бўлиб, ўзлари ҳам нима килишларини билмай мулзам бўлиб қолган эдилар...

Эри камалгач, уч нафар фарзандини ёлғиз бокишга қийналган келин катта қизини ўзи билан пахта даласига ишга чиқаришга мажбур бўлган эди. Қиз далада ишлаб юриб, жазирама ёз кунларининг бирида дугонаси билан салқинлаш мақсадида тезокар ва чукур каналда чўмилмоқчи бўлади. Ачинарли томони шундаки, бор-йўғи умумтаълим мактабининг 9-синфида ўқийдиган бу кизалоқ дугонаси билан бирга сувга гарк бўлиб, дунёдан кўз юмади. Рўзибой Туропов саккиз йил деганда қамоқдан чиқди. У уйига қайтиб келгандан кейингина қизидан ажралганини эшилди.

Мустакиллик шарофати туфайли Рўзибой Туроповнинг номи бошқалар катори оқланди. Лекин, «пахта иши» тухмати колдирган из – соғлигидан ажралиш, фарзанд доғи, саккиз йиллик айрилиқ унинг юрагини ханузгача тирмалаб келади.

1986 йилда менинг ўзим ҳам «пахта иши» бўйича жабр кўрганман. Ўзбек пахтакорлари «марказ» томонидан етиштиришнинг имкони йўқ бўлган катта миқдордаги пахтани топширишга ёки териб топширилмаган катта миқдорда, тонналаб ёзилган пахта топшириш ҳужжатларига имзо қўйишга мажбур қилинган. Совхозда бош агроном ва раис бўлиб ишлаб юрган кезларимда бир неча бор бажарилмаган ишлар ва режалар ёзилган ҳужжатларга имзо қўйишга мени ҳам мажбур килишган.

Бир қуни шу иш бўйича бирга ишлайдиган ҳамкасларим билан аллақандай ҳужжатларга имзо қўйишга дўкпўписа билан мажбур қилишаётгани, имзо қўйилмаса,

ишдан бўшатилишимиз мумкинлиги ҳақида сұхбатлашдик. Совхозда мен билан бирга ишлайдиган бригадир, кассир, иктисадчи, ҳатто директор, жами 12 нафар киши ҳужжатларга имзо қўйгани ҳақида эшитдим. Мени қанча мажбур килишса ҳам, имзо қўйишга кўнмадим. Эртасига ҳеч қандай сабабсиз ишдан бўшаганим ҳақида бўйруқни менга тутқазиши. Кейин бошқа жойда агроном бўлиб ишга кирдим ва у ерда ҳам шундай муаммога дуч келдим. Ҳужжатларга имзо қўймаганим сабабли яна ишдан бўшатилдим. Кейинчалик эса нафақага чиққунимга кадар пахтачиликка умуман алоқаси йўқ соҳада ишлашга мажбур бўлдим. Энг ачинарлиси шундаки, ҳужжатларга мажбуран имзо қўйдирилган кишиларнинг барчаси турли муддатларга озодликдан маҳрум килинган эди.

– Келажак авлод мустақилликнинг дастлабки даврлари ҳақида нималарни билиши керак, деб ҳисоблайсиз?

– Ёшларимиз орасида собиқ Иттифоқ давридаги адолатсиз жамият, боболарининг ноҳақ тухмат ва азобларга дучор килинганилклари, мустақиллик осонлик билан қўлга киритилмагани ҳақида, мустақилликнинг дастлабки даврида Юртбошимизнинг жасорат кўрсатиб, халқни бир мақсад атрофида бирлаштирганлари ҳақида батафсил тушунтириш ишлари олиб бориш лозим, деб ўйлайман.

Ёшлар бизга ўхшаш кекса авлод вакиллари билан мустақилликнинг қандай мashaқатлар билан қўлга киритилгани, уни авайлаб-асраш, қадрига етиш, яратилган шартшароит ва имкониятлардан оқилона фойдаланишлари лозимлиги ҳақида мулоқот қилиб туришлари керак. Бугунги сұхбатимиз ҳам ана шундай эзгу мақсад учун хизмат қиласи, деган умиддаман.

Дилором Чориева тайёрлади.

Хуррият орзуси

Маҳкам Муҳамедович Муҳамедов – 1935 йилда Сайрам туманида туғилган. Узоқ йиллар Миллий телерадио компания тизимида режиссёр, бош режиссёр лавозимларида ишлаган. Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби. Ҳозирда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори.

– Сизнинг болалигингиз уруш йилларига тұғри келади. Бошқача айтганда уруш даври болаларидан бири ҳисобланасиз. Болалик хотираларини эсласангиз. Сабаби, инсон болаликдан шаклланади...

– Дарҳақиқат, бизлар – уруш болаларимиз. Бир сўз билан айтганда, болаликнинг кувончу шодликларини ҳис килмасдан ҳақиқий болалик нима эканлигини билмасдан ўсганимиз...

Отам 1942 йилнинг кеч кузидаги урушга отланди. Отамни «Муҳаммад радиочи» дейишарди. Улар қишлоқда радиокарнайлар ўрнатган эканлар. Брон берилишидан қатын назар отамни урушга олиб кетишиди.

Ҳануз яхши эслайман: ўша пайтлари мен ҳали жуда ёш, ҳатто мактабга ҳам бормаган эдим. Дарвозанинг атрофида ўйнаб юрардим. Дадам бир қоп нонни елкасига олиб армияга кетаётгандаридан, онам ичкаридан туриб: «Дадаси, болангиз ичикиб қолмасин. Болангизга бир тупуриб қўйинг», – деб айтдилар. Шунда дадам қўлларидаги қопни ерга қўйиб, мени даст кўтардилар-да, туфлаб қўйдилар. Бағриларига босиб бир кучиб ўпдилар. Бу – отамни сўнгги бор кўришим эди.

Отам Туркманистоннинг Мари деган жойида бир-икки ой ўқиганлар. Менимча, у ерда умрида милтиқ кўтартмаган одамлар учун ўкув машғулотлари ўтказилган бўлса керак. Отам поезд биз томонлардан ўтса керак, деб ўйлаганлар шекилли, уйга хат ёзиб юборганлар. Онам нон ёпиб, синглим билан вокзалга чиқишганди. Уч кун улар ўтиб

кетаётган вагонлардан отамни излашган. Уйга келишганида улар «Отангни кўрмадик», дея кўнгиллари тўлиб йиғлаб юборишганди, ўшанда.

1943 йилнинг 11 февралида фронтдан қора хат келди. Мазкур хатда, «Сталинграднинг Песковатка деган жойида қаҳрамонларча ҳалок бўлди», деган сўзлар ёзилган эди. Ҳалигача шу машъум хатни авайлаб сақлайман.

1985 йили, отамни ёшига етганимда уларнинг қабрларини қидириб, Сталинградга бордим, Песковатка деган жойни ахтариб топдим. Бу ер, кўпчилик инсонлар кўмилган жой экан. Урушда қаҳрамонларча ҳалок бўлган кишиларнинг қабристони. У ердан бир сиқим тупроқ олдим. Сўнгра Мамаев кўрғонига йўл олдим. Ўша ерда 48 та устун кўйилган экан. Ҳар бир устунда мингта фамилия ёзилган. Устунларни ўқий бошладим. Охирги, 48-устундан «Аҳмедов М.» ёзувини топдим. Кўнглим тўлиб ҳўнграб-ҳўнграб йиғлайман. Ахир урушда ҳалок бўлган 48 минг одам рўйхатидан отамни топишга муваффақ бўлгандим-да!

Урушга биргина бизнинг оиласдан етти киши фронтга жўнатилди: отам ва амакиларим. Надоматлар бўлсинки, улардан бирортаси ҳам омон қайтмади. Мени ҳанузгача бир жумбок қийнайди. Улар қанака урушга кетишганди ўзи? Қайси Ватан учун курашишганди? Нима учун улар бегона юртларда жон беришган?

Шундай қилиб, мен болалик давримни отасиз, ота меҳри нима эканлигини билмаган ҳолда ўтказдим. Бу айтишга осон. Отамнинг дийдорига тўймадим, унинг нурли қиёфасини бир бора кўриш мен учун бир умрлик армонга айланди.

Уруш даврида одамларнинг аҳволи ночор ва жуда оғир бўлган. Аҳолининг асосий қисмини кексалар, болалар, бева қолган аёллар ташкил қиласарди. Шулар қатори менинг онам ҳам 35 ёшида бева қолганди. Онам бозорга сотиш учун эркак дўппи тикардилар. Кейин уйга келиб, нон ёпардилар. Нонларни чойхонага мен олиб бориб сотиб келардим.

Шундай килиб болалик давриданоқ тирикчилик йўлига кириб кетгандим.

Йўкчилик. Қимматчилик. Бир кило ун – 100 сўм турган. Онам ўнта дўппи килиб сотиб, унинг ўрнига ун харид қилиб келарди. Бир кило ундан ўн иккита кулча чиқарди. Шундан иккитаси бизга қоларди. Бу ҳам етмагандек уруш вақтидаги солиқлар. Ҳар бир оила азоб-уқубатлар гирдобида қолган эди.

Бир воқеа ҳанузгача эсимда қолган. Болалик пайтим эди, қўшнимиз ош қилиб қолди. Тўй оши, хизмат қилган болаларга ҳам бир лаган ош берилди. Устида икки чимдим гўшт. Неча ойлаб гўшт емаганлигимдан, оғайниларимга қараб: «гўштини мен ей, ошини сизлар енглар», дебман. Шу даражада гўштга зор бўлган вақтлардан бир мисол...

Агар тақосласак, ҳозирги кунни жаннат деб айтиш мумкин. Уруш вақтида бир бурда нонга зор оиласалар бор эди. Урушни кўрган ва азобларини татиган болалар эдик. Илоҳим, ҳеч қачон уруш бўлмасин.

– Сиз узоқ йиллар давомида телевидениеда бош режиссёр бўлиб ишладингиз. Иккинчи бор бош режиссёр сифатида фаолият юритган вақтингизда, яъни 80-йилларнинг охирига келиб, оғир фожиалар гирдобида Ўзбекистон ўз хуқуқини талаб қилаётган, мустақилликка интилаётган эди. «Давлат тили тўғрисида»ги Конун, Мустақиллик декларациясининг қабул қилиниши...

Ўша вақтдаги телевидение, кичик экран ва ижтимоний ҳаёт ҳақида нималар дея оласиз?

– Хуррият орзузи ҳақида гап кетганда, аввало бир воқеа ёдимга келади. 60-йилларнинг ўрталарида бир ўзбек йигити (яхшигина иқтисодчи экан) Иттифоқнинг хазинасига Ўзбекистон қанчалик улуш кўшаётганини хомаки чамалаб чиққан. Масалан, пилламиз, тилламиз, пахтамиз, газимиз, қоракўлимиз... Шуларни хисоблаб чиқса, жуда катта даромад чиқар экан: адашмасам, тахминан 42 миллиард

рубль! Ўша вақтда Ўзбекистон учун белгиланган йиллик бюджети бор-йўғи 3 миллиард рублни ташкил қилган.

У «Бу нима деган гап, ахир шу даражада ҳам бўлиши мумкинми? Нима учун 42 миллиард берилса-ю, 3 миллиард қайтаришса? Бу, ярми ҳам эмас-ку!», деган мазмунда Марказкўмга аноним хат ёзади.

Москва «бизни тафтиш қиласиган одам Ўзбекистонда пайдо бўлиб колибди», деб қидирган ва уни топган. Муаллиф кимлиги ёзув машинкаси орқали топилган...

Бу воқеани «Қишлоқ хўжалиги» журналида бош мухаррир бўлиб ишлаган Қодир Хотамов айтиб берган эди. Афсуски, собиқ Иттифоқдан не эзгу ниятлар билан адолат излаган одам бирданига гумдон килинди!

Вакти-соати келиб, буларнинг барига ўзимиз хўжайин бўлиб қолдик! Ҳа, истиқлолнинг шарофати билан барча бойликларимиз халқимиз манфаати, тараққиётимиз ва фаровонлигимиз йўлида ишлатилмоқда!

Мустабид замонда қоракўл терини Ўзбекистон берарди, аукциони эса Санкт-Петербургда. Хомашё биздан, сотиб экспорт қиласиган эса – улар. Газимиз, тилламиз, пилламиз, атласимиз, пахтамиз, нимаики биздан чиқадиган нарсаларнинг ҳаммасини савдо-сотиги билан марказдагилар машғул бўларди.

– «Эгалик хукуқи йўқ эди», демоқчисиз. Шундайми?

– Ҳа, бизда хақиқатан ҳам эгалик хукуқи йўқ эди. Жилов бошқа ёқда, тизгинни бошкарадиганлар эса мутлако бошқа ёқда эди.

Ўзим шоҳид бўлганман. ППС – Кўчма телевизион станцияни олиш учун марказдагиларга ялиниш керак эди. Мутахассис кадрлар сонини ошириш, бирон техникани янгилаш зарурияти туғилганда ҳам яна уларга илтимос қилишга мажбур бўлардик.

Битта иморатни қуриш учун уларга қанчалик ялиниш керак эди. Бинолар дўстликни мадҳ этувчи номлар билан

куриларди. Мана шунака алдам-калдам йўллар билан лойихалар тасдиқланар ва шундай баҳоналар билан бинолар куриларди.

Хатто, телевизион спектаклларда 10 сўмгача ўзимиз харж килишимиз мумкин бўлган. Ундан ошиғини беришга юқоридан розилик олишимиз керак эди. Харажат асосланмаса ўша пуллар ҳам берилмасди. Демак, ҳар томонлама жилов тортиб қўйилган, бўш қўйиб юборилмайди. Эрк йўқ. Хуқук йўқ. Мана, ҳозир ҳаммаси ўз қўлимизга ўтди.

Москвада икки ойлик малака ошираётган вақтимда яқиндагина тайнланган собиқ Иттифоқ телерадиокўмитаси раиси Сергей Лапин билан учрашув ўтказиладиган бўлди. Иттифоқ бўйича телерадио тизимидағи ижодкор ходимларидан беш юз киши чақирилди.

Раис залга кириб келди ва бир ўзи саҳнага чиқар экан, – Менга саволлар борми? – деди.

Тўсатдан берилган саволга бирор сўз айтишга ҳеч ким журъат қилолмасди. Раис:

– Менга савол борми? – деб иккинчи маротаба сўради.

Залдагилар яна сукутда. Шунда раис тутақиб:

– Менга савол борми? – деб яна сўради.

Учинчи марта берилган саволга орқада ўтирган туркман телевидениесининг раис ўринбосари ўрнидан туриб:

– Мана, Москванинг мухбирлари ҳамма республикаларда бор. Нега биз ўз мухбирларимизни бошқа республикаларга жўната олмаймиз? Ахир, алоқалар янада мустаҳкамланади-ку! – деди.

Раис – «А-ҳа» – деб минбарга чиқди.

– «Сизларга мана шу керак! – деб сўзини давом эттириди раис. – Йўқ, Москванинг «Время»си бор. Шу вақтда сиз бошқа нарса кўрсатялгиз. Кино, дам олиш дастурлари билан томошабинни чалғитяпсиз. Мана Сизнинг қилаётган бу ишингиз чаток! Бизнинг мухбирлар беражетган материаллар

ёқмаяптими ёки етмаяптими? Шу савия билан қандай ишлаб юрибсиз? Барча студиялар Москва берган хабарни кабул қилишга мажбур!»

Бир ярим соат давом этган буйрукомуз дағдаға, раиснинг ўшқиришларидан бечора туркман телевидениесининг раис ўринбосари туғилганига пушаймонлар бўлди...

Афғонистонга ҳам ўзбекнинг йигитлари олиб бориб ташланди. Тўсатдан, бирданига бошланган урушга навқирон йигитлар олиб кетилди. Чунки, тилни билиши, кўринишидан уларга ўхшали мумкинлиги асос қилиб олинди. Кўпчиликнинг ўлиги темир тобутларда қайтди. Москванинг измисиз бу масалаларни экран орқали ёрита олмасдик. Бу ҳақда фақат ўзимиз ўзаро гаплашар эдик, холос.

— Махкам ака, Сиз мустабид тузум даврида ҳам, мустақиллик йилларида ҳам телевидениеда бош режиссёр бўлиб фаолият юритдингиз. Касб нуқтаи назаридан иккала даврни қиёслаганда хаёлингизга аввало нималар келади?

— Жуда катта ўзгариш бўлмоқда. Бизнинг вақтимиздан бошлаб ҳозиргача техниканинг неchanчи авлоди кириб келганини ҳисобига етиш қийин. Айниқса, дастлабки, ибтидоий даврдан ҳозирги ракамли телевидениега ўтган давр ўртасидаги тафовут анча катта. Бир одам, бир авлод ҳаёти давомидаги катта техник ўзгаришлар шу қадар беқиёс даражада ва кутилмаганда, шиддат билан рўй бермоқдаки, ҳайрон қоласан киши. Янги авлод кириб келди. Ҳозир виртуал санъат ривожланмоқда. Бу ўзгаришлар инсониятнинг жуда катта ютуғи.

Ўша кезларда «Эгачим эрга тегди, эскиси менга қолди» деганларидек, Москвадан қолган-кутган техникалар бизга келарди. Ишдан чиқкан, лекин ишлаши мумкин бўлган техника воситалари, «уларга озгина муддат ишласа ҳам бўлаверади», деган мақсадда жўнатиларди.

Хозирда оммавий ахборот воситалари орасида телевидениега алохида эътибор қаратилмоқда. Раҳбариятимиз томонидан энг қиммат ва энг сифатли техника воситалари телевидениега олиб келиб қўйилди. Бир сўз билан айтганда, техника жиҳатидан биз олдинга чиқиб олдик.

– Телевидение ташкил топган даврида ёқ маданият марказига айланиб, зиёлилар томонидан қўплаб чиқишилар қилиниши одат тусига кирди. Бу ҳолат бугунги кунда ҳам давом этмоқда. 50-йилларда оқланган бўлсада, Фитрат, Қодирий, Чўлпон каби адабиёт намояндалари фаолияти 80-йиллар охири ва 90-йиллардан кенг ёритила бошланди. Сиз ижодингизда кўпроқ Абдулла Қодирий асарларига мурожаат қилгансиз. Айтингчи, Қодирий шахсияти нимаси билан эътиборингизни тортган?

– Сирасини айтганда театрнинг, кинонинг кучи етмаган ишни телевидение амалга ошира бошлади, сериал удумга кирди. Бу томошабиннинг оддий эҳтиёжи, зарурат сифатида кириб келди. Сериал – давр эҳтиёжи, телевидениенинг нони. Шуни ўйлаб, ёзувчилар Шароф Бошбеков, Машраб Бобоев, Рихсивой Мухаммаджонов ва режиссёрлар Ҳайбат Алиев, Мели Маҳкамовлар билан бирга телевидениеда чиқиш қилиб, етти ёшдан етмиш ёшгача кўрадиган, қайнона билан келин биргаликда томоша қиласидиган, уялиб бирор чиқиб кетадиган, ё учирашиб қўймайдиган, менталитетимизга тўғри келадиган бирон асар яратиш ҳакидаги масалани қўндаланг қўйдик. Ваъда берилган куннинг эртасига ёқ «Кўнгил кўчалари» сериалини «Мехробдан чаён» билан бир вактда бошлаб юбордик.

Қодирий бобомиз олдида бизнинг қарзимиз кўп. Қодирий асарларини муқаммал фильм даражасига етказиш бурчимиз эди. Албатта, Йўлдош Аъзамов «Мехробдан чаён» ва «Ўткан кунлар»ни, кейинчалик Мелис Абзалов «Ўткан кунлар»ни суратга олди. Хайриддин Султон билан бўлган мулокотдан кейин телевизион версия сифатида

олишга эҳтиёж пайдо бўлди. Масъуд Қодирий, Ҳабибулла Қодирийлардан бориб розилик олдик. Шундай қилиб телевизион версия юзага келди.

Қодирий бобо ижодида даврга мослаб берган жойлари қаторида баъзан матнда айтилмаган гаплар ҳам кўп бўлади. Асарга қанчалик чуқурлашиб кириб борилса, янги гоялар, талқинлар келиб чиқаверади. Бу Қодирийнинг накадар буюк эканлигидан далолатdir. Мисол, ёзувчининг «Мехробдан чаён» асарида нафс бандалари ҳақида сўз боради, яъни унда меҳробга тенглаштирилган қалб нафсга қанчалар ўчлиги маҳорат билан кўрсатиб берилган.

Ушбу ўринда таъкидлаш лозимки, Қодирий асарлари янги талқинларни ҳали ҳануз кутиб ётибди, деб ўйлайман. Ҳозир унинг бошқа асарлари асосида «Қодирий бобо ҳикоятлари» деган бир нима килиш керак, деган фикрдаман.

– **«Ўткан кунлар»ни қайтадан кўйиш нияти бор эди...**

– Қайдам. Ёш бир жойга бориб қолди. Энди унга имкон борми, йўқми? Билмайман.

– 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикасида асрлар давомида орзу қилинган мустақиллик эълон қилинди. Қодирийлар орзу қилган, улар эриша олмаган мақсадлар 1991 йилда амалга ошиди. Ўша вактда кўнглингиздан қандай ўйлар ўтди?

– Дастребки пайтда мустақиллик тўсатдан бўлиб қолганга одамлар ҳайрон бўлди. Бу, ўз эрки қўлида бўлишини қачондан бери армонда юрган одамларнинг орзуумидлари эди.

«Бугундан эътиборан мустақилмиз, ҳеч кимга бўйсунмаймиз, хуқук ва эркимиз ўз қўлимизда», деган гапни ўзи яшиндай нарса бўлди. Ҳа, бу – кўп одам учун кутилмаган тасодиф эди. Бирорлар кўрқа-писа «буёғи қандоқ бўлди», дейишди... Бу дадиллик, бу журъат. Мана шу журъатда гап кўп бўлди.

Ҳа, бугун эмин-эркинмиз, имкониятларимиз ўзимизда. Бу кўприклар, бу йўллар, бу муҳташам бинолар, бу нурафшон кўчалари. Ҳар кадамда обод турмуш манзаралари. Бари мустақиллик туфайли-да! Бошқа миллатларнинг эътирофидаги мамлакатга айландик. «Тасанно!», дейди киши.

Козимхон Сагдуллаев тайёрлади.

Ўзбекистон – менинг Ватаним!

Вера Борисовна Пак – 1938 йилда Кўнғирот туманида туғилган. 1985 йилдан Хива шаҳридаги 20-сонли «Мехрибонлик уйи» директори, 2015 йилдан «Мехрибонлик уйи» асосида ташкил қилинган болалар шаҳарчасига раҳбарлик килиб келмоқда. Ўзбекистон Қаҳрамони.

– 1937 йил – қатағон авж олган йил эди. Шу йили Ўзбекистонга корейс миллати вакиллари кўчириб келтирилди.

– Тўғри айтасиз. 1937 йилгача корейслар Узок Шарқда яшарди. У ерда корейслар учун алоҳида институт ҳам бўлган экан. Жойларга юк машиналари келиб, кишиларга энг зарур буюмларни олишлари лозимлигини маълум килишган ва шу тарзда бутун бир миллат вакиллари вокзалга олиб борилиб, вагонларда Ўзбекистон ва Қозогистонга жўнатилган.

Ота-онамнинг хотирлашича, бу кўчиришнинг сабаби японлар билан олиб борилган уруш экан. Узок Шарқда Россия Корея билан чегарадош бўлиб, уларни Туманган дарёси ажратиб турди. Дарё эса япон денгизига чиқади. Умуман, у вақтда Корея Япония давлати тасарруфида эди. Руслар японлардан ўтадиган разведкачиларни корейслардан ажратса олмаслиги важидан уларни кўчиришга қарор килган экан.

«Кўпга келган тўй» деганларидек, менинг ота-онам ҳам бошка корейслар қаторида Ўзбекистонга келтирилиб, қорақалпоқ заминига жойлаштирилган. Кўчирилган корейслар учун алоҳида «Авангард» колхози ташкил этилган.

Ўзбек халқи – меҳмондўст халқ. Ўзининг оғир шартшароитига қарамай кўчириб келтирилган корейслар билан ейдиган нонини баҳам кўрган, қурилиш материаллари дейсизми, хуллас, уларга ҳар томонлама ёрдам берган. Шу сабабдан корейслар ўзбеклардан доим миннатдор.

1938 йилнинг нояброда уйимизнинг томи ҳали ёпилмаган экан. Ана шу уйда мен туғилдим. Туғилганимда, онамнинг юзига биринчи қор тушган экан.

Оғир вактлар эди. Лекин, одамлар ўртасида меҳроқибат кучли бўлган. Узоқ Шарқда ота-онамнинг дастлабки беш фарзанди гўдаклигида ўлиб кетган экан. Улардан кейинги тўрт фарзандлари билан Ўзбекистонга келишган. Мен эса, бешинчиси эдим. Ҳаммамиз шу заминда яшаб, камол топдик.

Болалигим болалар уйидаги тарбияланувчилар каби оғир кечди. Уруш йилларидағи етишмовчиликлар. Шунда ҳам одамлар топганини бирга баҳам кўради. Ҳалигача зогора нонни яхши кўраман. Ариқ ва кудуклардан сув ичардик. Ўша пайтлари одамлар ариққа ҳеч нарса ташламасди, ичимлик суви деб эҳтиёт киласди.

Урушдан кейин отам вафот этди, онам эса касалманд бўлиб қолди. 8-синфда таҳсил олаётганимда онам операция бўлдилар. Уларга караш, уй ишлари менинг зиммамга тушди. Сабаби, опаларим турмушга чиқиб кетишганди. Акам билан келинойим эса, рўзғор тебратишарди. Онам касал бўлгани сабабли, уларни даволаш мақсадида 10-синфгача шифокор бўлмоқчи эдим. Аммо, ўша вақтда вилоятларда тиббиёт институтлари йўқ эди. Шароит шундай бўлгач, ким мени Тошкентга ё Самарқандга олиб бораарди? Нукус эса якин.

Отам ўлимларидан олдин катта куёвларига мени тикувчиликка ўқитишни васият қилиб, «агар, аёл киши тикишни билса, бир бурда нонини топиб ейди», деган эканлар... Онам эса «ўқитувчилик – яхши касб», дердилар. Менинг мақсадим ҳам олий маълумотли бўлиш эди.

Ўйлаб-ўйлаб Қоракалпоқ педагогика институтига хужжат топшириб, кимё ва биология бўйича ўқитувчи бўлдим. Танловимнинг сабаби – бу соҳа шифохонада лаборант бўлиб ишлашимга имкон берарди.

Ўқишига захирага қабул қилиндим. Биринчи семестрни яхши топширгач, талабалар сафига киритилиб, ўқишини давом эттирдим.

Институтни тамомлагач, мени Хивага жўнатишиди. Чунки, бир йил олдин умр йўлдошим йўлланма билан Хивага юборилган эди. Шу тариқа 1961 йилдан 3 сонли ўрта мактабда меҳнат фаолиятимни бошладим.

– Кейин «Мехрибонлик уйи»га ишга таклиф қилишиди. Қани айтингчи, мактаб Сизга нима берди?

– Бу вазифага мени мактаб тайёрлади, десам муболага бўлмайди. Ёш мутахассис деб, келишим билан 4-синфга рахбарликка тайинлашди. Синфда 40 нафар боладан 17 таси болалар уйининг тарбияланувчилари эди. Кейин берилган синфларда ҳам 12 ёки 13 бола «Мехрибонлик уйи» болалари эди.

1978 йилдан эса, мактабдан ташқари ишлар ташкилотчилигига ўтказилдим. Энди тарбиявий ишлар менинг зиммамда эди. Турли маданий тадбирлар, жамоат ишлари... Ташаббуслар билан чиқишига ҳаракат қиласардим. Тажриба алмашгани борганда ҳам, ҳамкасларимдан янгилик излаб топишга уринардим. Хуллас янгича ёндашувларни олиб келиб, амалиётга жорий қиласардим. Мактабда олган тажрибам мени тарбияси оғир болалар билан ишлаб кетишимга замин бўлди.

– «Мехрибонлик уйи»да ишни нимадан бошлидингиз?

– 1985 йил 25 апрель куни мени 20-сонли «Мехрибонлик уйи»нинг директорлигига тайинлашди. Дастребаки вақтда болаларнинг ахволини кўриб, кўзимга ёш келарди. Бир бола ёнимга келиб, «Нимага йиғлайсиз», деб сўради. Мен эса, «Йиғлаётганим йўқ, ўғлим», десам, боласи тушмагур кўймайди. «Кўзингиз нам», дейди. «Нимадир тушгандир» деб аранг кутуламан.

Болаларнинг устидаги кийимлар қора, тўқ рангларда эди. Ходимлардан «Нега болалар бунаقا кийимларда юришибди», деб сўрасам «Ифлослиги билинмайди», дейишди. Кўп ўтмай уларни турли, ёрқин ранглардаги кийимларга алмаштирудим. Ахир, болалар қувониши керак-ку!

Ҳар куни эрталаб соат олтида ишга келиб, болаларни турғизиб мактабга жўнатардим. Болалар даврасида нонушта, тушлик, кечки овқатни биргаликда тановул қиласардик. Бир дастурхон атрофида ўтириб, гаплашиш кишиларни яқинлаштиради. Ошпазлар ҳам бора-бора болалар учун тайёрланадиган овқатнинг сифатига эътибор берадиган бўлишиди.

– Сиз ҳақингиздаги мақолалардан бирида озиқ-овқат, болалар кийими борасидаги муаммолар ҳал қилингандан кейин «Мехрибонлик уйи»дан қочишлар камайгани, қочганлар ҳам қайта бошлагани ҳақида ёзилган эди.

– Дастребаки вақтда мактабга юборилган болаларнинг деярли ярми кундузи соат 12 гача қочишга улгуради. Уларни тўплагунча кеч бўларди. Мен дастребаки кунларданоқ қочишнинг сабабларини излай бошладим. Гап болалардами? Вазиятни яхшилаш учун улардан ёрдам сўрадим. Тарбиячиларни ҳам кузата бошладим. Болаларни урадигани бўлса ишдан бўшатдим. Оиладек мухитни яратишга харакат қилдим. Қачонки, бола «шу ер – менинг уйим, тарбиячилар – менинг ста-оналарим», деб тушунса ҳаммаси яхши бўлиб кетишига ишонгандим ва шундай

бўлди ҳам. Ўз навбатида тарбиячидан ҳам уларга ўз болаларидан муносабатда бўлишини қатъий талаб қилдим. Кимdir болаларга карата: «Оппок чойшабларда ётибсизлар, қадрига етинглар», деганида, «уларга оппок чойшаблар керак эмас, балки, меҳр керак» – деб жавоб берган эдим.

– **Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш арафа-сида болалар уйларига эътибор қай даражада эди? Шулар ҳақида гапириб берсангиз.**

– Муаммолар кўп эди. Москвани хомашё билан таъминлашимиз етмаганидек, ишчи кучи ҳам ўзимиздан эди. Болалар уйларини битирган тарбияланувчиларни Иваново каби тўқимачилик заводи ёки фабрикалари бор шахарларга жўнатардик. Умуман, болаларни олий маълумотли қилишга эътибор қаратилмасди. Мен уларни ўқитувчилик ёки бошқа қасбларга йўналтириш мақсади билан техникумларга жойлашга ҳаракат қиласдим. Аммо, улар камчиликни ташкил қиласди. Кўпчилигида билим етишмасди. Бу муаммо мени жуда кўп ўйлантиради...

Шўро даврининг охирги йилларида болалар уйларига пул ўтказиш йўли билан дўконлардан маҳсулотлар харид қилиш бўйича яхши бир қарор қабул қилинди. Бунга қадар барча маҳсулотлар халқ таълими тизимиға тегишли омборлардан олинарди.

– **1991 йил 31 августда мустақиллик эълон қилинган вақтда кўнглингиздан қандай ўйлар ўтди?**

– Мустақиллик эълон қилинганда енгил нафас олдим. Ахир, мустакил давлат бўлдик, эркин бўлдик. Назорат қилувчи органлар камайди. Бири Марказдан келиб, «бундай бўлади», деб кетса, Тошкентдан келган бошқаси «ундай бўлади», деб фикр билдиради. Қайси бирини қилишни билмай аросатда қоларди, киши. Кейин Москвалик текширувчилар ёрдам бериш учун эмас, кўпроқ танқид қилиш учун келарди.

Бир мисол. Шўро давридаги идишлар алюмин қошиқ, стаканлардан иборат эди. Мустақилликнинг ilk

йиллариданоқ буларни сирланган, чинни идишларга алмаштиридик.

Үтиш даври кийинчиликларига қарамай Президент И.Каримов болалар уйларига катта эътибор қаратдилар. «Мехрибонлик уй»лари таъмирланди, бинолар ичига сув ўтказилиб, канализация қувурлари ётқизилди.

– **«Мехрибонлик уйи» мисолида мустақиллик йилларидағи ўзгаришлар ҳақида яна нималар дейиш мүмкін?**

– Боя айтганимдек, болаларнинг билими мени ташвишга солаётгани асосий масала эди. Бунинг сабаби, тарбияланувчилар гурухлари 35 ва ундан кўп болалардан ташкил топарди. Гурухларда бир неча синф ўқувчилари аралаш эди. Дастлаб, тарбияланувчилар микдори 25 тага туширилди, кейин яна камайтирилди.

Касб-хунар колледжлари ташкил топгач болаларни интилишларига қараб, уларга жўнатиш механизми йўлга қўйилганлиги қуонарли бўлди. «Мехрибонлик уйи»да бадиий ҳаваскорлик тўгаракларини фаоллаштиришга эътибор қаратдим.

– **Мустақиллик вактида таълим ва тарбияни биргаликда олиб боришга алоҳида эътибор қаратилди. «Мехрибонлик уйи»да ҳам тарбия масаласи долзарб ҳисобланади. Шундай эмасми?**

– Албаттa, шундай. Чунки, болалар уйи тарбияланувчиларида бўқимандалик кайфияти шаклланиб колиш эҳтимоли катта. Бунинг олдини олиш эса болаларни меҳнатга ўргатиш зарур, деб ўйлайман. Шу мақсадда ўғил болаларга биттадан дараҳт ва ер ажратдик, қизларни эса уй ишларига жалб қилдик.

Кейин ҳар бир гурухда болалар ўртасидан етакчи белгилаб қўйдик, улар тарбиячиларга ҳақиқий ёрдамчи бўлишди. Шунингдек, иш жараёнида оила мұхитини яратишга жиддий эътибор қаратдим.

Қарангки, меҳр қалбдан қалбга ўтар экан. Она доим бирорга, айниңса оиласига меҳр берган, эвазига меҳр олган. Бахтни, ахилликни, бирдамликни ўз кўли билан яратган. Ҳа, мен болаларнинг барчасини ўз боламдек кўрардим. Болалар ҳам менга номимни айтиб эмас, балки, «Она» – деб мурожаат қилишадиган бўлишди.

Кўпчилик, бизнинг тарбияланувчиларимизни «юзлари кизил, кўзлари чақнаб туради, гўё оиласида тарбияланган болаларга ўхшайди-я!» – дейишади. Шунинг ўзи меҳнатимизга берилган катта баҳо, деб биламан.

Касбим – педагог. Кўчада юрсам ҳам ўсмирларни, ёшларни кузатаман. Агар чекаётган ўсмирни кўрсам, тартибга чақираман. Сиз индамай кетсангиз, мен индамай кетсам, ахир, ҳаммаси шундан бошланади-да!

– Мустақиллик йилларида ўзбек ва корейс миллатларининг ҳамжиҳатлиги янги босқичга кўтарилди. Бу хақда нималар дея оласиз?

– «Ўзбекистон – умумий уйимиз». Мана шундай ёндашув ушбу мамлакатда 130 дан ортиқ миллатларнинг баҳамжиҳат яшашини таъминламоқда. Ҳар бир миллат ва элат ўз анъаналари, маданияти, тилини ўрганишига шартшароитлар яратилганлиги ҳам Ўзбекистондаги сиёsatнинг инсонпарварлигидан далолатdir. Мамлакатда Корейс маданият марказлари ассоциацияси фаолият юритмоқда, бу йил Корея маданияти ва санъати уйига ғишт қўйилганлиги ҳам кувонарли бўлди.

Икки миллат ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини айтмайсизми? Хоразмда қўшниларимиз «галинг», деб уйларига таклиф қилишади. Суҳбатлар... Ўзбекона мулоқот менга жуда ёқади. Анъаналаримизда ҳам ўхаш жиҳатлар кўп. Ушбу ўринда катталарни ҳурмат қилиш, отонани қадрлаш каби қадриятларни айтиш мумкин.

2002 йили Кореяга бордим. Шўро даврида она тилимизни ўрганишга ҳозиргидек шароитлар яратилмаган

эди. Мен хам русийзабонман. Сафар чоғида икки корейс ўртасидаги сұхбатни ўзбек таржима қилиб турди.

Ушбу ташриф давомида бир журналист интервью олаётганды «Кореяда қолмайсизми?» – деб сүраб қолди.

Мен журналистга қуидагидек жавоб қайтардым:

– Миллатим – корейс. Лекин, Ўзбекистон – менинг Ватаним. Шу заминда туғилиб-ўсдим. Халқымга, юртимга меҳр күйдим. Ҳаммадан қувонарлиси, Ўзбекистоннинг корейслари ичидә биринчи Ўзбекистон Қаҳрамони бўлдим.

Севара Пўлатова тайёrlади.

Истиқтол шарофати

Муаззам Фузайловна Қодирова – 1938 йилда Бухоро вилоятида туғилган. Бухоро вилоятининг Вобкент тумани Имомқозихон қишлоқ фуқаролар йиғинида қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаган.

– Сизнинг болалигингиз уруш ва урушдан кейинги йилларда кечган. Ўша машаққатли ва оғир ўтган болалик давридан хотирангизда нималар сакланиб қолган?

– Дарҳакиқат ўша давларда ҳаёт ниҳоятда оғир бўлган. Айниқса уруш йиллари. Оилаларда турмуш кечириш мароми бузилган. Эркаклар фронтга кетишган. Аҳолининг аксарият қисмини аёллар ва болалар ташкил килган. Колхоздаги оғир ишлар, уй-рўзғор тебратиш аёлларнинг елкасида эди. Нон топиш муаммо бўлган. Ҳамма нарса фронт учун, ғалаба учун шиори остида яшардик. Аёлларнинг умри далада ўтарди. Ўспирин ёшлар ҳам фронтга мажбуран жўнатилган. Оғир ҳаёт синовларига бардош бериш учун метин юрак ва ирода керак бўлган. Мана шундай машаққатли ва оғир ҳаёт синовларига бардош бериб шу кунларга ҳам етиб келганлар ҳозир оз қолди.

Ўша оғир кунлар тошга ўйилган нақшдек хотирамда сақланиб, муҳрланиб қолган. Оғир меҳнат туфайли кўпчилик ёш болалар ўқиш-ёзишдан мосуво эди. Саҳар қуёш чиқмасдан далага, яйловга ва турли юмушларга чиқишига ҳамма мажбур эди. Бу ҳақиқатан ҳам қора кунлар, дўзахнинг фоний дунёдаги бир кўриниши эди, десак муболага бўлмайди. Нега шундай оғир кунлар бизнинг чекимизга тушди? Буни биз ўша вақтда англаб тагига ета олмас эдик. Бизнинг болалигимиз ғам-андухларга тўлиб тошган, қачон бир бурда нон топаман-у ва оқшом қорним бир оз тўк ҳолда, хотиржам ухлайман деган ўй-хаёллар билан яшардик.

Ҳозирги невараларимиз, эвараларимизнинг қувноқ ва гўзал ҳаётини кўриб ҳавасимиз келади. Қани энди фалакнинг гардиши айланса-ю бошқатдан туғилиб, шу замонга қайтиб келиб қолсак! Шукрки, осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, дастурхонларимиз тўкин-сочин, йўллар равон, кўчалар гавжум, ҳаёт доим қайноқ. Бозорларда маҳсулотларнинг хилма-хил турини учратасиз. Дўконларнинг пештахталари турли-туман товарлар билан тўлиб-тошган. Илгариги бир кўринишдаги ошхоналар ўрнида ранг-баранг ва худди эртаклардаги каби кафе, ресторон ва чойхоналарнинг қурилганлигини айтмайсизми? Хулласи калом, ҳамма нарса инсон манфаати учун муҳайё.

– Сизнинг 50 йиллик ҳаёт йўлингиз собиқ совет тузуми даврига тўғри келади. Сиз ўша пайтлари колхоз тизимида ишлаб, мустабид тузумнинг барча оғирликларини ўз бошингиздан кечирдингиз. Шу ҳақда нималар дея оласиз?

– Собиқ совет тузуми шундай бир тизимга асосланган эдики, унда эзгу орзу ва умидлар ҳақида ўйлашнинг ўзи катта бир орзу эди. Бизнинг ўлкамиз пахта етиштиришга мослашган ва пахта етиштириш, унинг ҳосилини давлатга етказиш ҳар бир хонадон ва колхоз аъзосининг асосий бурчи ҳисобланарди. На томорқа хўжалигини юритиш ва на

үй чорва молини боқиб фойдаланишга имкон бўлганлигини ҳеч эслай олмайман. Агарда сиз томорқа хўжалигингизни юритсангиз партия ва халқнинг душманига айланиб қолардингиз. Томорқангизда бирор бир маҳсулот етиштирсангиз ва уни бозорда сотсангиз борми, сизни «чайковчи»га айлантириб қўйишлари ҳеч гап эмас эди.

Рўзгор тебратиш, ҳаёт кечириш даражаси фақат пахта билан ўлчанар ва пахта сиёсати ҳамма нарсани белгилаб берар эди. Пахта ҳосили яхши бўлса ва пахта мавсумидан муваффақиятли ҳамда эсон-омон кутулсак, қишида бир оз нафас ростлай олар эдик. Агар пахта плани бажарилса йил охирида йиллик пул мукофоти берилар эди ва бизнинг асосий даромадимиз, қозонимизни оқартирадиган маблағ шу бўларди, холос. Шу сабаб ҳалқ қишин-ёзин пахта ўйи билан яшарди. Шундай қилиб, пахта ўзбек қишлоқлари ҳаётини эрта баҳордан то кеч кузга қадар ўз домига тортиб турган. Пахта етиширилмаса пул йўқ, демак яшаш учун егулик ҳам йўқ. Ўзингиз биласиз пахтани экиш, ўстириш, парваришилаш куллар мөҳнати каби ниҳоят даражада оғир бўлган. Пахта апрель ойида экилса, май ойида яганалаш, ундан сўнг бегона ўтлардан бир неча маротаба тозалаш, чең тортиш, сугориш, ўғитлаш, чеканкалаш, дефолиация қилиш каби ишлов бериш ва парваришилашнинг бир неча босқичлари амалга оширилган. Бу ишларнинг барчаси инсон саломатлигига жиддий путур етказган. Аёллар бутун умри давомида ҳаётини пахта далаларида ўтказарди. Ҳатто эмизикли аёллар бешикдаги боласини экин майдонларига олиб кетиб дарахт шохларидан арғимчоқ ясад ўша ерда ҳам дала ишларини ҳам бола парваришини амалга оширас эдилар. Бу ҳолатларнинг нафақат гувоҳи бўлганман, балки ўша аёллар қатори ўз бошимдан ҳам кечирганман.

Қишлоқ хўжалиги ва пахтачиликнинг энг оғир ва чидаб бўлмас ҳалокатли жиҳатларидан яна бири пахта майдонларининг кимёвий препаратлар билан ишлов берилиши даврлари десак муболага бўлмайди. Одамлар яшаб турган

уйлар, хонадонларга туташ дала майдонлари устидан самолёт учиб ўтиб дефолиацияни амалга оширап ва тинч ахолини тўғридан-тўғри заҳарлаб ўтарди. Дефолиация жараёнида қишлоқнинг бешикда ётган гўдакларидан тортиб карияларигача тотал равишда химиявий заҳарли моддалар билан шафқатсизларча заҳарланган. Сарик касаллигининг авж олиш сабабларидан асосийси ҳам шундан эди. Ичадиган сувимиз, нафас оладиган ҳавомиз кимёвий моддалар билан заҳарланарди. Бу заҳарланиш нафақат пахта майдонлари, балки чорва моллари истеъмол қиласидиган ўсимликлар, ичимлик суви, сабзавот ва мевалар орқали ҳам инсон организмига ўтарди.

Бу совет тизимининг миллатимизга нисбатан шафқатсизларча таҳқирлаш ва хўрлаш сиёсати эди. Россияда, ҳатто Ўзбекистондаги рус миллати кўп яшайдиган шаҳарлар ахолиси саноат корхоналари, савдо шаҳобчалари, бошқарув ва маъмурий идора муассасаларини эгаллаб олган бўлиб, улар қишлоқдаги қуллик меҳнатидан йироқ ва оғир ишлардан озод эдилар. Ҳа, пахта бу – ўзбек ва ўзбек халқига яқин Ўрта Осиё халқларининг пешонасига битган бир қуллик кисмати эди. Ўзбекистон Республикаси ахолиси бутун вужуди билан пахтага боғланиб қолган ва унинг коронғу келажаги ҳам шу билан боғлиқ эканлигига шакшубҳа йўқ эди. Мактаб ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари билим олишининг маълум даври далада, пахтазорда ўтган. Пахта «оқ олтин» дея улуғланар, у ҳақда шеърлар, асарлар ёзилар, куй-кўшиклар басталанаарди. Ҳаттоқи, театрлардаги спектакллар ҳам пахта мадҳи ва у билан боғлиқ вокеликларни акс эттиришга қаратилган эди.

– **Республикамизнинг мустақилликка эришганлиги ҳакидаги қувончли хабарни қандай карши олгансиз?**

– Бу ҳакиқатан ҳам қувончли бир хабар эди. Аммо бу хабарни ҳар ким ўзича кабул қилган. Мисол учун собиқ совет тузумида яшаган ва доим ўша давр сиёсатига сидқидилдан хизмат қилган баъзи бир инсонлар учун бу

яхши хабар эмас эди. Аммо миллат ва унинг ғам-ташвиши, миллатнинг фахр туйғусини чукур хис қилган инсонлар учун бу янги ҳаёт, янги даврнинг бошланиши, миллатнинг кайта туғилиши, унинг кайта тикланиши учун чексиз имкониятлар яратилишига умид бағишловчи қувончли бир хушхабар эди. Мустакилликнинг илк даврларида айrim кимсалар Ўзбекистон Республикасининг келажақдаги режаларига шубҳа билан қарашар ва давлат сиёсатига ишончсизлик билдиришар эдилар.

Мустакилликнинг дастлабки йиллариданоқ Юртбoshимиз яқин ва келгуси учун мўлжалланган ижтимоий-сиёсий вазифаларни аник белгилаб берар экан, бутун дунёга қаратади: «Мустакил Ўзбекистон давлатининг сиёсати бундан бўён инсонийлик ва эзгулик тамойилларига, умуминсоний қадриятларга асосланади», дея эълон қилди. Ҳа, халқ ва унинг илфор қисми Президентимиз И. Каримов раҳнамолигида бу ишда событқадамлик йўлини танлади ва хозирги вактда бунинг ижобий натижаларини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Мен жуда яхши эслайман, илгари бир қишлоқда ниҳояти битта енгил машина бўлиб, у ҳам бўлса бир мансабдор шахс ёки партия аъзосига тегишли эди. Одамлар машина оламан деб ўн йиллаб навбат кутишарди. Ҳозир эса деярли ҳар бир хонадонда учратамиз, ҳаттоқи баъзи бир оиласарда 2 тадан енгил машиналар борлиги кишини қувонтиради. Собиқ совет машиналари Асакада ишлаб чиқарилган ўзбек-корейс кўшма корхонаси машиналари билан солиштирганда анча содда бўлиб, замон талабига жавоб бера олмасди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган машиналар эса ҳар томонлама қулай, ихчам, сифатли ва ҳар қандай шароитга чидамлидир. Бундан ташқари йўлларнинг таъмирланганлиги ва бундай таъмирлаш ишларининг айни пайтда фаол равища давом эттирилаётганлигини айтмайсизми? Йўлларимизда хилма-хил транспорт турлари сони

кўпайди. Шахар ва кишлоклар ўртасида транспорт қатнови яхшиланди.

Мустақиллик даврида бизнинг қишлоқларимиз ҳаётида яна бир муҳим воеа содир бўлди. Бу аҳолининг ичимлик суви билан таъминланишидир. Илгари қишлоқда ичимлик суви асосан очик ҳовузлардан олинар ва шунинг учун ҳам турли касалликларга чалиниш ҳолатлари учраб туради. Кудуклардан олинадиган сув эса таркибий жиҳатдан талабга жавобга бермасди. Истиқлолнинг шарофати билан Бухоро аҳолиси Самарқанд вилоятидаги Дамхўжа сувидан фойдалана бошлади. Бу сув хукуматимиз ташабbusи билан Бухоро шаҳри ва вилояти худудига кувурлар орқали тортиб келтирилди. Ичимлик суви билан таъминлаш муаммосининг ҳал этилиши аҳолининг саломатлигини тиклаш сиёсатида ўзининг ижобий натижаларини намоён қилаётганлиги қувонарлидир.

Кейинги даврларда яна бир қувончили воқеаларнинг гувоҳи бўляяпмиз. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримовнинг ташабbusи билан мамлакатимизда намунали уйлар қуриш авж олди ва қишлоқ аҳолисини замонавий турар-жой бинолари билан таъминлаш масаласи яхшиланди. Бундай уй соҳиблари яшаш учун жуда катта қулайликларга эга бўлдилар. Айни пайтда замонавий қишлоқ уйлари қишлоқларимиз кўркига янада кўрк бағишиламоқда.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ ҳаётида кечаётган улкан ўзгаришларнинг барчаси мамлакатимизда қишлоқ аҳолисига қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси десам муболага бўлмайди.

Бобур Аминов тайёрлади.

Халқимиз саломатлиги йўлида

Раъно Ришатовна Маликова – 1942 йили Бухоро вилоятида туғилган. 1992 – 2010 йилларда Самарқанд давлат университетининг тиббиёт кафедрасига мудирлик қилган. Тиббиёт фанлари номзоди.

– **Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасида қандай ўзгаришлар рўй берди?**

– Юртимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ эл соғлигини мустаҳкамлаш, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмонан соғлом хамда маънан етук авлодни тарбиялаш масаласига устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратилмокда. Мустақиллик йиллари ҳукуматимиз раҳнамолигида кучли ижтимоий сиёsat юритиш, соғлиқни сақлаш тизимини комплекс ислоҳ қилиш ва унинг инфратузилмасини ривожлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ахолининг ўртача умр кўриш даражаси узайди.

Президентимиз И.Каримов ташабbusи билан миллий тиббиётимиз тизимиға асос бўлган соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг қабул қилиниши, шунингдек, Ўзбекистонда тиббий хизмат кўрсатишнинг ўзига хос миллий моделининг яратилиши соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни юқори босқичларга олиб чикишда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат килмокда. Мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи тиббиёт, республика хамда вилоятлар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ва хирургия, кардиология каби ўнлаб йўналишларга ихтисослаштирилган марказларни ўз ичига олган тиббиёт муассасаларининг мукаммал ва ишончли тармоғи вужудга келди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида илфор шакл ва услублар амалиётга жорий қилинди. Жойларда мураккаб юқори технологияли тиббий хизмат кўрсатувчи республика

даволаш муассасаларигача – барча даражаларни камраб олган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит тизими юзага келди.

Айникса, она ва бола соғлигини муҳофаза этишга, соғлом бола туғилиши, жисмонан ҳамда маънан баркамол авлодни вояга етказишга устувор аҳамият берилмоқда. Жумладан, Президентимиз ташаббуси билан 1998 йил – «Оила йили», 1999 йил – «Аёллар йили», 2000 йил – «Соғлом авлод йили», 2001 йил – «Оналар ва болалар йили», 2010 йил – «Баркамол авлод йили», 2012 йил – «Мустаҳкам оила йили», 2014 йил – «Соғлом бола йили» деб эълон килингандиги бу борадаги хайрли ишларнинг муҳим асоси бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, жорий йилда кабул қилинганд «Соғлом она ва соғлом бола йили» Давлат дастури ҳам мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг ёркин намунасидир.

Хозирги кунда бунёд этилаётган замонавий даволаш муассасаларида ноёб технологиялар орқали хизмат кўрсатишга қодир мутахассислар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мухтарам Юртбошимизнинг 2015 йилдаги "Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида"ти Қарори билан яна битта олий таълим муассасаси фаолияти йўлга кўйилганлиги гоятда кувонарли бўлди.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, бизнинг тажрибамиз соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар доимий ва узлуксиз жараён эканидан далолат беради. Тиббиёт ҳам илм-фан, ҳам амалиёт сифатида мунтазам такомиллашиб бормоқда ва бу бизнинг миллий соғлиқни сақлаш моделимизда ўз ифодасини топган.

– **Мустақиллик эълон қилингандан қандай ўйлар ўтди?**

– «Мустакиллик», «миллий истиқлол» сўзларини ҳар гал эшитганимизда кўнглимиз тоғдек кўтарилади, ўзлигимизга қайтганимиздан, миллий қадриятларимиз тикланганидан дилимиз фаҳр-ифтихорга тўлади. Халқимиз асрлар давомида орзу килган дориломон кунларга етганимизга Аллоҳга шукроналар айтамиз. Инсонга ҳаво, күёш, сув, нон, ота-она канчалик азиз ва муқаддас саналса, Ватан ҳам шунчалар муқаддас ва мўътабардир. Ватан она тупрокдан, далалар, кир-адирлар, мовий ранг тоғлар, дашту сахролардан бошланади. У бизни онамиз каби ўзининг иссиқ бағрида меҳр билан эркалайди, севиб ардоклайди, вояга етказади, камол топтиради. Шу сабабли ҳам биз уни она Ватан деб айтамиз, онамиз каби севамиз, қадрлаймиз. Зеро, инсон учун ўзи туғилиб ўсган жой ҳамма нарсадан азиздир.

– **Мустамлакачилик даврида ноҳақ жабр кўрган ватандошларнинг номларини абадийлаштириш бўйича мустақиллик йилларида қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Бу ҳақда нималар дея оласиз? Бирор мисол келтира оласизми?**

– Сталинга сифиниш йиллари халқимиз бошига оғир кулфатларни солди. Минглаб бегуноҳ одамлар катағон қиличидан ўтказилди, уларнинг аксарияти шафқатсизларча отиб ташланди. Қатағон курбонлари ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, уларнинг табаррук номларини абадийлаштириш Узбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1999 йил 12 майда эълон қилган фармойиши ва Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 22 июляда эълон қилинган «Ватан ва халқ озодлиги йўлида курбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги кароридан сўнг кенг йўлга кўйилди. Ана шу хужжатлар асосида «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси тузилди. Мамлакатимиз пойтактида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. 2002 йилда Тошкент шаҳрида «Қатағон курбонлари

ҳотираси» музейининг ташкил қилиниши ҳам бу борадаги хайрли ишларнинг давомидир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Сталин даври қатағонлари бизнинг оиласизни ҳам четлаб ўтмади. Отамни Араббой исмли амакилари 1937 йили ноҳақ қатағон қилинган ва 14 йил мобайнида Сталин лагерларида камоқ даҳшатларини ўз бошларидан кечиргандар. Мустақилликка эришганимиздан кейин бу қариндошимизнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида марказий телевидениеда маҳсус кўрсатув ташкил қилинди.

— **Келажак авлодни тарбиялашда нималарни муҳим деб ҳисоблайсиз?**

— Бугунги кунда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш халқимиз учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа саналади. Мамлакатимиз ўз мустақиллигини кўлга киритиши эркин фикрлайдиган, ўз-ўзини англайдиган, жамият мақсад ва манфаатларини тушуниб етадиган, ҳар томонлама етук комил инсонни тарбиялаш вазифасини давлат сиёсати даражасидаги устувор йўналиш қилиб белгилади. Уни амалга ошириш эса энг аввало тарбияланувчиларнинг ички руҳий маънавиятини бойитиш ва мустақил дунёкарашини шакллантиришни тақозо этади. Маънавиятни ёшларимизга ўргатишга эҳтиёж ошиб бормокда ва бу борада олдимиизда жуда катта вазифалар турибди.

Бобур Аминов тайёрлади.

Сулола давомчиси

Амирсаидхон Халимович Усмонхўжаев – 1944 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Маданият, фан ва таълим соҳаларида раҳбарлик вазифаларида ишлаган. Ҳозирда «Муфтий Бобохоновлар тарихи» кўргазмаси раҳбари.

— Сиз анча таниқли Бобохоновлар оиласининг вакили ҳисобланасиз. Аждодларингиз шўро тузуми даврида динга бўлган қарши кураш сиёсатидан жабр кўрган. Сизнинг ойлангиз мисолида ўз эътиқодига содик қолиш қимматга тушганлиги аён.

— Буни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Ахир қатагон қилинган, ҳалок бўлган инсонлар умрини нимадир билан ўлчаб бўладими? Йўқ, албатта. Ваҳоланки, шўролар учун инсон умри, унинг қадр-қиммати аҳамиятга эга эмас эди.

Эшон Бобохон дастлаб Тилла Шайх масжиди имом-хатиби эдилар. Кейин 20 йил (1924 – 1943) давомида ўзлари ва оиласлари тазийқ остида яшади. 1928 йил уйи мусодара қилинди, қаҳратон қишида ўз ҳовлисидан кўчирилиб, дабдурустдан беш минг сўм солик солинди. Акс ҳолда Тошкент шаҳридан чиқариб юборилишини маълум қилишади. Эшон ота ўша йили гилам ва молларини сотиб, солиқнинг 1200 сўмини тўлайди.

1924 – 1941 йиллар давомида Эшон отани милиция ва қидирув ташкилотлари вакиллари олиб кетиб, ҳар куни эртадан кечгача овқат-сувсиз ушлаб туриб, тунда кўйиб юборишар эди. Бу даврда ёшлари 66-83 га тўғри келади. Орада икки маротаба камоққа олиндилар. Бу инсон биринчи бор ўғли Зайниддинхон кори билан бирга диний сабоқ беришда айбланди. Ўғли Сибирга сургун қилиниб, 1938 йилда отиб ташланди. 1941 йилга келиб ўзи ва ўғли Зиёвуддинхонга яна худди шу айб тиркалди.

Эшон ота 1943 йили Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний назоратини ташкил қилиш ташабbusи билан чиқдилар ва 1957 йилга қадар ушбу ташкилотни бошқардилар. Кейинчалик бу вазифада ўғиллари Зиёвуддинхон (1957 – 1982), набиралари Шамсиддинхон (1982 – 1989) фаолият юритишиди.

1980 йилларнинг иккинчи ярмида мустақилликка эришиш арафасида ва асосан то Президент Ислом Каримов

ҳокимият тепасига келгунга қадар ҳалқимиз учун мұқаддас бўлган ислом динини таҳқирлаш, диндорларни хўрлаш ишлари давом этди. 1986 йил 18 августда Шўролар коммунистик партиясининг Марказий қўмитаси «Ислом таъсирига қарши курашни кучайтириш ҳакида» қарор қабул қилди. Шу тариқа «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунга зид тарзда тўсқинликлар қонунийлаштириб қўйилди. Ахир, бу – иккюзламачилик эмасми?

1987 – 1988 йилларда ўтказилган ҳалқаро ислом анжуманларида хориж ислом ташкилотлари вакиллари мазкур қарорга салбий муносабат билдириб, муфтий Шамсиддинхон Бобохоновга уни тушунтириб беришни сўрашган. Муфтий Москвадаги Диний кенгашда бу ҳақда сўз очиб, ҳукуматни олиб бораётган шарқ сиёсатига салбий таъсир ўтказишини таъкидлаган. Мана шу чиқишдан кейин Диний кенгаш раҳбари муфтийни алмаштириш режасига киришди. 1989 йил бошида муфтий Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари бошқармаси ҳайъатига ариза бериб, ишдан кетишга мажбур бўлади.

Мустақилликка эришилгандан кейин Шамсиддинхон Бобохоновнинг ҳалқаро мавқеи, юксак диний ва дунёвий билимлари инобатга олинди. У Ўзбекистон Республикасининг Миср ва Саудия Арабистонидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланди.

Яна бир мисолга тўхталиш мумкин. Ўша даврда амалдорлар ёш имомларни амал, бойликка интилишини рағбатлантириб турарди. 1980 йилнинг ноябрь ойида Зиёвуддинхон корининг умр йўлдоши Муҳайёхон ая вафот этдилар. Улар ўша вақтда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари бошқармасига раҳбарлик қилаётган эдилар. Жаноза куни Тошкентдаги масжидларининг бирининг имоми қорини олдига келиб, чопонларининг этагини ўпмоқчи бўлади. Аммо, Зиёвуддинхон қори уни бу

ҳаракатдан тўхтатади, қаддини кўтариб елкасига қоқиб қўяди.

Бу ёш имом Фарғона водийсидан келиб Зиёвуддинхон қори сабокларини олган, у кишига шогирд тушган. Қуръон ўқиш қироати яхши бўлгани учун Зиёвуддинхон қори уни Сурияга ўкишга юборишга муваффақ бўлади. Тошкентга қайтиб келганидан кейин уни Зиёвуддинхон қори катта бир масжидга имом этиб тайинлайдилар.

Ёш имомни билими ва муфтий хазратини шогирди бўлгани учун диндорлар ҳурмат қилиб унга ҳадяларни кўпайтириб юборишади. Бундай ҳурматдан у ғуурланиб димоги кўтарилиб кетади, босар-тусарини билмай қолади, бундан ҳам каттароқ амални истаб қолади.

Ёш имомни ғаразли мақсадини баъзи ёвуз нияти амалдорлар қўллаб-қувватлайдилар. Амалдорларни қўллашибига ишонган ёш имом тўғри йўлдан адашиб қабиҳлик килишга ўтади – «шахсан муфтийга пора бердим», деб ҳукуқни муҳофаза килиш органларига махфий хабар беради.

Текширувчилар муфтийнинг хонасида унга пора берувчи имом билан юзма-юз учраштиришади. Ёш имом муфтийга берган порани миқдори, куни ва жойини айтади. Муфтий асабларини бузмасдан ғазначини таклиф этадилар ва пул топширган чипталарни кўрсатишни сўрайдилар. Ғазначи келтирган чиптада ёш имом айтган пул миқдори ва куни тўғри келади, чиптада ҳайит муносабати билан мусулмонлардан тушган хайрия пули сифатида расмийлаштирилган эди...

Олиjanоб муфтий эса, унинг қилмиши учун ўч олмасдан фойдали маслаҳатлар бериб имомликни давом этишига шароит яратиб беради.

– **Эътиқоди учун жабр кўрган бошқа ватандошлиримиз ҳакида ҳам айтиб бера оласизми?**

– Замонасининг обрўли кишиларидан бўлган ва узок йиллар Ғулжа (Шарқий Туркистон) савдогарлари билан

савдо килган Тилла Шайх 1890 – 1902 йиллар орасида Ҳазрати Имом маҳалласида икки меҳробли катта масжид курдиради. Кейинчалик атрофдаги Кадвод, Қумлок, Зарқайнар маҳаллаларида яна учта масжид курдирган.

«Кулок» қилиш йиллари унинг тўнгич ўғли Ғулом Шайх 1928 йили Ғулжага, отасининг савдо ҳамкорлари юртига кўчиб кетади. Унинг нияти уй-жой олиб, иш бошлаб, кейин оила аъзолари, оға-иниларини ҳамда отасини Ғулжага олиб кетиш эди. У Муборакхон ва Асалхон исмли икки қизини укалари Нўймон Шайх ва Низом Шайх қўлида колдиради.

Бу пайтда собиқ советлар мамлакатининг чегаралари, ҳеч бир тирқиши қолдирилмай, маҳкам беркитилади. Туғишган ака-укаларга қайтиб учрашиш насиб этмади. Ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталарида Хитойдан Ғулом Шайхнинг фарзандлари, неваралари Тошкентга қайтиб келишди.

Ўз динини қўллаб-қувватлаб, масжидлар қурган Тилла Шайхнинг бу савобли иши учун унинг невараси Эҳсон Низомов жавоб бернишига тўғри келди.

Эҳсон Низомов ўша йиллари Ўзбекистон маҳаллий саноат вазири ўринбосари бўлиб ишларди. Марказий партия ташкилотига ҳасадчи одамлардан «юмалоқ ҳат» тушади. Унда Эҳсон Низомовнинг бобоси Тилла Шайх йирик дин арбоби бўлгани, масжид курдиргани ҳакида ёзилган эди.

Низомовга нисбатан партиявий тергов иши очилиб, партия аъзолигига киришда кариндошлари диндор бўлганини яширганликда айблашади. Иши Тошкент партия комитети бюроси йиғилишида кўриб чиқилади. Бюро аъзолари Низомовдан: «Бобонгиз диндор, дин хизматчиси бўлгани, масжид курдиргани ростми?» деб сўрашади. Низомов: «Мен бобомнинг бой, диндор бўлганини эшиштган эдим, аммо дин хизматчиси бўлмаган. Ҳакиқатан бобом бир эмас, тўртта масжид курдирган. Бобом 1913 йили вафот этган эканлар, мен эса 1917 йили туғилганман, бобомни

тирик кўрмаган бўлсам, қандай қилиб ва нима учун бобомнинг ишларига жавоб беришим керак?» – дейди.

Низомовнинг бу жавоби бюро аъзоларини кониктирмайди. Жомеъ масжид пештоқига араб ҳарфларида Тилла Шайхнинг исми ёзиб кўйилгани далил қилинади-да, бюро мажлиси уни партия аъзолигидан ўчириш, лавозимидан озод этиш масаласини ўртага кўяди. Масаланинг моҳиятига чукурроқ аҳамият ҳам бермай, уруш қатнашчиси, Кримда партизанлар гурухи командири бўлган, ҳарбий мукофотлар эгаси, захирадаги капитан Эҳсон Низомов тақдирини ноҳак йўл билан бир дақиқада ҳал қилишади. Уни янги курилаётган Тошкент чинни заводига бош муҳандис этиб ўтказишади. Орадан икки йил ўтиб, мамлакатда сиёсий вазият бироз ўзгариши муносабати билан айбсиз, ноҳак жазоланган кишиларга нисбатан адолат қарор топади. Кейинчалик у қурилиш ишларида фаол қатнашиб, фахрий унвонга сазовор бўлади.

Яна бир мисол. Доимий фаолият юритувчи «Муфтий Бобохоновлар тарихи» кўргазмасини ташкил этиш мақсади билан турли архивларда иш олиб бордим. Россия давлат янги тарих архивининг фондидадаги бир хужжат эътиборимни тортди.

Масала шундан иборат эдики, 1956 йилда бир гурух мусулмонлар масжид очишга руҳсат сўраб, Термиз туман ижроқўмига ариза билан мурожаат килишган. Аризани кўриб чиққан ижроқўм, ўша йилнинг 25 июнида Мурч Авлиё номли масжиднинг очилишига руҳсат беради. Шу хусусдаги қарор аризачиларга топшириллади. Бу хабар тез орада Москвага етиб боради. Компартия марказқўми томонидан ушбу ҳаракат собиқ Иттифоқ Вазирлар Кенгашининг 1955 йил 17 февралдаги масжидлар очилиши ҳақидаги қарорига хилоф деб топилади ҳамда ўша захотиёқ Ўзбекистон компартияси марказқўми ҳамда Сурхондарё партия қўмиталарига хатони зудлик билан бартараф этиш ҳақида кўрсатма берилади. Ушбу масала юзасидан Тошкентда комиссия тузилиб,

тегишли текширув ишлари ўтказилади ва масала Сурхондарё вилоят партия қўмитаси бюросида кўриб чиқилади. Бюро-нинг Москвага юборилган қарорида Мурч Авлиё масжиди очилишида сиёсий қалтабинлик кўрсатгани ва принципизлиги учун туман партия қўмитаси котиби ўртоқ Тумашевга ҳайфсан эълон килинади.

Шунингдек, мазкур хужжатда Иттифоқ Вазирлар Кенгашининг масжидлар очилиши ҳақидаги қарори нотўғри тушунтирилгани ва унинг ижросида йўл қўйилган хатолар учун вилоят ижроқўми котиби А.Сайдовга ҳам ҳайфсан эълон қилингани ҳамда Ўзбекистон Вазирлар Кенгashi кошидаги Дин масалалари бўйича кенгашининг Сурхондарё вилояти вакили вазифасидан озод этилиши ҳақидаги буйруқ вилоят ижроқўмига топширилгани, масжид очиш ҳақидаги аризанинг топширилишига кўмаклашгани учун Термиз ижроқўми раиси ўринбосари ўртоқ Хайрутдиновга ҳам ҳайфсан эълон қилингани кўрсатиб ўтилган.

Қарорнинг бешинчи бандида туман молия бўлимларига диндорлар, масжидлар ва мукаддас қадамжоларга солик солиш фаолиятини кучайтириш зарурати ҳақида уқтирилган ва вилоят молия бўлими (ўртоқ Тошпўлатова) бунга масъул этиб белгиланган эди (*Россия Давлат Янги тарих архиви, 5-фонд, 33-рўйхат, 55-хуҷжат, 7-9 варак*).

Шўролар даврида биргина масжиднинг очилиши эмас, ҳаттоқи курилиш учун рухсат берилгани ҳақидаги хабар дарҳол Москвага етиб бориб, қандай оғир оқибатларга олиб келганини ушбу мисол яққол намоён этиб турибди.

– **Мустақиллик йилларида эътиқод эркинлигини таъминлаш юзасидан қатор ишлар қилинди. Ислом динига муносабат ўзгарди. Шу жараёнларни кузатувчиси ва Бобохоновлар сулоласи вакили сифатида бу ҳақда нима дея оласиз?**

– Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошкармаси ўrniga 1992 йилда бешта – Мовароуннаҳр (кейинчалик Ўзбекистон), Тожикистон, Қозогистон, Кирғизистон

ва Туркманистан мусулмонлари диний бошқармалари ташкил этилди. Диний кадрлар тайёрлаш мактаби Ўзбекистон худудида қолди.

Ўтган йиллар мобайнида мустақил давлатларнинг динларга, жумладан, ислом динига муносабат борасидаги сиёсати тубдан ижобий томонга ўзгарди. Ҳамдўстликка аъзо ҳар бир мамлакатда диндорларга кенг эркинлик берилди, диний китоб-журналлар минглаб нусхаларда босиладиган бўлди, масжидлар сони кўпайди, янги диний ўкув юртлари очилди. Бу жараёнда имом-хатиблар, уларнинг ноиблари, муаззинлар, шунингдек, диний таълим муассасалари учун маҳсус тайёрланган ўқитувчи кадрлар етишмаслиги аниқ эди. Ҳар бир республикада малакали диний кадрларни, дин хизматчиларини тайёрлаш энг долзарб муаммо сифатида кун тартибига чиқди. Исломий ўкув юртларининг янги ўкув дастурлари тузилиб, тасдиқланди. Тошкент ислом университети ташкил килинди, таълим муассасаларида «Диншунослик» фани ўқитила бошланди. Ислом ривожига улкан хисса қўшган олимларнинг номлари абадийлаштирилди, асарлари қайтадан чоп этилди, янги мажмуалар барпо этилди. Авваллари Умра ва Ҳаж сафарига йилига 4-5 киши боришга муваффақ бўлса, ҳозир беш мингдан зиёд киши бормоқда.

Маърифатчилар сулоласининг уч авлоди вакиллари – ота, ўғил, невара муфтийлар туғилиб, вояга етган Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида жойлашган Ҳазрати Имом маҳалласи ҳам мустақиллик йилларида тамомила ўзгарди.

Бу ердаги тарихий ёдгорликлар шўролар даврида кўримсиз, бетартиб иморатлар билан ўралган, тор илон изи йўллари, берк кўчалар шаҳарсозликнинг замонавий талабларига жавоб бермас эди. Меъморий ёдгорликларни таъмирлаш, атрофини ободонлаштиришга маҳаллий ҳокимият яхши эътибор бермас, диний бошқарма раҳбарларининг бу

ишларни ташкил этиш бўйича таклиф ва ташаббуслари етарлича қўллаб-куватланмас эди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси ва кўрсатмаси билан 2006 йил ноябрда Ҳазрати Имом махалласини қайта қуриш ва меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ишларининг ялпи режаси белгиланди. 2007 йил 20 февралда Юртбошимизнинг «Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-куватлаш тўғрисида»ги карори эълон қилинди. Бу хужжатда мажмуадаги тарихий ёдгорликларни асл ҳолидагидек қайта тиклаш, кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишларини бажариш, шунингдек, мажмуа инфраструктурасини намунали ҳолга келтириш асосий максад қилиб белгиланди. Бу ишларни амалга ошириш учун Ўзбекистон ҳукумати 500 миллион сўм маблағ ажратди. Мажмуани миллий услубда кўзланган муддатларда қуриб битказиш учун энг моҳир ва тажрибали усталар, техник ходимлар ҳамда боғбонлар жалб этилди.

Мисли кўрилмаган қиска муддатда тарихий ёдгорликлар атрофида очилган 95 минг квадрат метр майдонда бетакрор Ҳазрати Имом меъморий мажмуаси барпо этилди. Бу ерда янги, бир вактнинг ўзида 2500 киши намоз ўқий оладиган Ҳазрати Имом жомеъ масжиди, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг қароргоҳи қурилди, Мўйи муборак мадрасаси биносида Ҳазрати Усмон Мусҳафи музей-кутубхонаси ташкил этилди, Ислом тамаддуенининг турли асрларга оид обидалари – Бароқхон мадрасаси, Қаффол аш-Шоший мақбараси, Тилла Шайх масжиди, Намозгоҳ масжиди жиддий қайта таъмирланди, Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институтининг янги биноси қуриб битказилди, бутун майдон ободонлаштирилди.

Бугунги Ҳазрати Имом меъморий мажмуаси мисолида ишонч билан айтиш мумкинки, мустақил Ўзбекистонда

Ислом маданиятининг кўп асрлик гўзал анъаналари қайта тикланмоқда.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистон халқи, улар қато-рида мусулмонлар Юртбошимиз бошчилигига мураккаб ва таҳликали синовлардан, тўсиқ ва ғовлардан ўтиб, ёвуз ва зўравон ҳаракатлар олдида бош эгмади, қийинчилкларга бардош бериб, оғир ва машаққатли йўлларни ортда қолдириб, танлаган йўлидан қайтмади ва айни пайтда ўз эзгу мақсадларига етиш учун қатъият ва матонат билан қадам кўйиб бормоқда.

Бобур Аминов тайёрлади.

Маданий мерос – бойлигимиз

Ғайратдин Ҳожаниязов – 1948 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган. Таниқли археолог олим, тарих фанлари номзоди. Ўзбекистон Қаҳрамони. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

– Айтингчи, археология соҳаси Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиниш арафасида қандай холатда эди?

– Тарих ёзиб битилган, уни ўзгартириб бўлмайди, аммо аччик ҳақикатни тан олиш керакки, кимлардир шундай буюк халқни йўқ килиш, тарихини ўзгартириш ва ўчиришга ҳаракат қилди. Бизнинг бой маданиятимиз, адабиётимиз, санъатимиз, бир сўз билан айтганда ўзлигимиз қадрланмади. Мустақилликка қадар Қорақалпоғистонда археология илмига ҳам эътибор қаратилмади. Биласизки, тарихни ўрганишда археология илмининг туттган ўрни алоҳида. Аммо бу соҳа бўйича мутахассислар умуман етишмасди. Бебаҳо археологик ёдгорликларимиз тупрок остида кўмилиб қолди. Махаллий олимлар, тадқиқотчиларга археологик изланишлар олиб боришга йўл очиб берилмади. Чунки Президентимиз И.Каримов айтганларидек, «...тарих

ҳақиқатларини билиш кишига қувват беради, уни ҳаёт ҳақиқати билан қуроллантиради».

– Мустақиллик йилларида соҳада қандай ўзгаришлар рўй берди?

– Мустақиллик йилларида юртимизда олиб борилаётган асрга татигулик ўзгаришларни кўриш, сезиш ва унинг мазмун-моҳиятини англаш ҳар бир юртдошимизга шу буюк ва гўзал заминнинг фарзанди эканлигидан фахрланиш туйғусини бағишлийди, албатта. Бугунги кунда биз танлаган йўл, эришаётган ютуқларимиз жаҳонни лол қолдирмоқда. Биргина Қорақалпоғистон мисолида бунга юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Ўзим фаолият юритаётган археология соҳасида ҳам ютуқлар бисёр.

Мустақилликка қадар Қорақалпоғистонда археология бўйича мутахассислар тайёrlанмаган бўлса, истиқлол шарофати билан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида «археология» маҳсус фан сифатида ўқитиладиган бўлди. Эски қалъаларда амалий машғулотлар ўтказила бошланди. Ҳозир ушбу олий ўкув даргоҳида магистратура мутахассислиги ҳам очилган.

Янада кувонарлиси, бугунги кунда археологларимиз хорижлик ҳамкаслари билан ҳамкорлик қилиш имкониятига эга бўлишди. Ҳусусан, қорақалпоқ олимлари 1995 йилдан буён Австралияning Сидней университети археологлари билан бирга минг йиллар мобайнида кўчма қумлар остида ётган Ақчахонқальъадаги (Беруний тумани) зардуштийларнинг масжид-саройлари, Марказий Осиёдаги энг қадимий (эрамизгача II – I асрларга оид) портретлар галереясини очишга эришдилар. Улар орасида бошига күш шаклидаги тож кўндирган, бўйнига афсонавий ҳайвонларни эслатувчи тақинчоқ таққан, эгнига бежирим лиbosлар кийган аслзода-оқсуякларнинг суратлари бор. Айниқса, бўйи олти метрдан баланд портрет-суратлар ҳар қандай кишини ҳайратга солади.

Неча аср оралаб, шу кунга қадар етиб келган бу бебаҳо топилмалар меҳнатсевар, фидойи инсонлар сабаб қайта ҳаётга юзланди. Ажинияз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг талабалари ҳам 1997 йилдан шу кунга қадар «Кердер маданияти»нинг йирик қалъалари Ҳайӯан қалъа (Кердер), Куйик-қалъа, Тўқ қалъа (Дарсан) ёдгорликларини ўрганиб келмоқда. Бу тарихий ёдгорликлардан VII – XI асрларга тааллукли археологик буюмлар топилган. Мазкур топилмаларнинг барчаси Нукус шаҳридаги И.В.Савицкий номли Қоракалпок санъат музейига қўйилган. Айни пайтда музей 100 мингдан ортиқ экспонатга эга бўлиб, уларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Чунки тарихимизни ўрганишга бўлган қизиқиш жуда кучли. Ўзининг бебаҳо экспонатлари билан жаҳон сайёҳларини ўзига жалб этиб келаётган Қоракалпок санъат музейининг эса айни пайтда иккита янги биноси замонавий усулда қад ростлаб, фойдаланишга топширилиш арафасида. Хурматли Президентимиз И.Каримовнинг музей хотира китобига битилган: **«Қоракалпоқ ҳалқи бундай тақрорланмас ва ажойиб музейи билан ҳар қанча фаҳрланишга лойик»**, деган сўзлари доимо ҳалқимизни руҳлантириб туради.

Айтиш жоизки, истиқлол йилларида маданий ва тарихий мерос объектлари муҳофазасини таъминлаш, ушбу йўналишда ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари мамлакатимиз сиёсатининг энг муҳим таркибий қисмларидан бирига айланди. Ҳусусан, 1998 йилда «Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида», 2001 йилда «Маданий мерос объектларини муҳофaza қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида», 2009 йилда «Археология мероси объектларини муҳофaza қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги ва бошқа янги қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси 1993 иили БМТнинг бутун инсониятга тегишли тарихий қадрияларни асраш йўналишида асосий хужжат саналувчи «Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофaza қилиш тўғрисида»ги Конвенцияга (Париж, 1972 йил

23 ноябрь) кўшилди ва 1995 йил 22 декабрда мазкур Конвенция ратификация килинди.

2015 йил 20 апрелда мазкур Конвенция талабларининг мамлакатимизда, жумладан Қоракалпоғистондаги ижроси масаласи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ташқи сиёсат масалалари Қўмитаси томонидан кўриб чикилди.

Жаҳон тамаддуни бешикларидан бири бўлган мамлакатимизнинг ўтмишдаги бой маданий мероси юртдошларимизда миллий ўзликни англаш, ифтихор, юртга садоқат туйғуларини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат килиши шубҳасизdir.

Мухтасар қилиб айтганда, истиқлол берган имкониятлар олимларимиз кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшмоқда.

– Мустақиллик эълон қилинган кунни қандай эслайсиз?

– Табиатнинг гултожи саналган инсон ҳамиша озодлик ва хуррият ошигидир. Чунки эркинлик инсонга ўзликни ва ўзини англаш имконини беради. Ўзликни англаган киши оламни англашга қодир. Шунинг учун ҳам кишилик тарихи турли даврларда Ер шарининг барча минтақаларида озодлик учун курашнинг, шаклан турлича, моҳиятан ўхшаш бўлган хурриятга интилиш ҳодисаларини кўп кўрган...

Мустақиллик эълон қилинган 1991 йил 31 август куни барча ватандошларимиз катта ҳаяжон ичида колганди. Чунки бу каби катта қувончни қарши олиш ҳам осон эмасди! Наҳотки?! Қулокларимиз алдаётгани йўқми? Йўқ, бу рост эди! Буюк ҳақиқат олдида таъзим қилиб, бирбиirimizni қутлаганмиз. Ота-боболаримизнинг, Ватан озодлиги йўлида жон фидо этган мард, жасур ҳалқ фарзандларининг неча асрлик орзуси ушалганлигидан кўзларимга севинч ёшлари келганди ва кўкрагимни тўлдириб нафас олиб, шундай деганман: «Яшасин Истиқлол!»

– Мустамлакачилик давридаги ноҳақ жабр кўрган ватандошларнинг номларини абадийлаштириш бўйича мустақиллик йилларида қатор ишлар қилинди. Бу ҳақда нималар дея оласиз? Бирор мисол келтирсангиз.

– Тўғри, мустақилликка эришганимиздан сўнг Республикамизда тарихий адолатни карор топтириш йўлида катта ишлар амалга оширилди. Мустабид тузум халқнинг миллий ўзлигини англашидан, уйғонишидан чўчирди. Шу боис буюк аждодларимиз, азиз авлиё ва алломаларимизга тухмат тошлари отилди, уларни умуман ёруғликка чиқармади. Мустақиллик шарофати билан аждодларимизнинг муборак номлари қайта тикланди, тарихий қадамжоларимиз обод қилинди.

2014 йилнинг май ойида Самарканд шаҳрида ўтказилган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва ахамияти» мавзусида ўтказилган халқаро конференция халқимизнинг буюк даҳоларига бўлган юксак ҳурмати ва маънавий юксалиш, мустаҳкам тараққиёт сари ташлаган дадил қадамларидан бири бўлди, десак муболаға бўлмайди. Чунки биз шундай буюк аждодлар авлоди эканлигимиздан дунё ҳамжамияти хабардор бўлди ва буни тан ҳам олмоқда.

– Келажак авлод мустақилликнинг дастлабки даври ҳақида нималарни билиши керак, деб ўйлайсиз?

– Бор ҳақиқатни билиши керак. Биз доим кечаги кундан хулоса чиқариб, келажак учун катта режалар тузиб, бугунги кун меҳнат завқи ва изланишлар билан яшшимиз кераклигини замоннинг ўзи тақозо этмоқда. Юртбошимиз И.Каримов таъкидлаганлариdek, «Тарихини унугтган, ундан тўғри сабоқ чиқариб яшамайдиган халқ доимо йўлидан адашади. Тарихий хотирасиз келажак йўқ, деган гапнинг маъноси шунда. Шу нуктадан назардан қараганда, яқин ўтмишимизда рўй берган воқеаларни

одамларнинг, айниқса, ёшларни эсига солиб туриш керак, деб ўйлайман».

Шундай экан тинчлик деб аталмиш улуг неъматнинг қадрини билиб, катта қийинчиликлар билан қўлга киритилган мустақиллигимизни кўз корачиғидек асраш, она Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, тараққиёти йўлида хизмат қилиш ёшларимиз зиммасидаги олий фарзандлик бурчиdir! Буюк аждодларнинг авлоди шак-шубҳасиз, буюк келажак қуришга кодир! Ана шу ҳақикат ҳаётда уларга ҳамроҳ бўлса, марра бизники!

Кенгесбой Реймов тайёрлади.

Ўзбек кураши ва унинг довруги

Норқули Турсунович Юсупов – 1954 йил Бухоро вилоятида туғилган. Кураш, самбо, дзюдо бўйича спорт устаси. Техника фанлари номзоди. Ҳозир Полвонлар миллий маркази раиси.

– **Ўзбек миллий кураши тарихини баъзилар икки босқичга бўладилар: истиқлолгача ва ундан кейинги давр...**

– Аслида бу икки даврни ўзаро таққослаш мумкин эмас. Чунки мустақилликка қадар полвонларимиз фақат қадимий курашимиз билан шуғулланиб, халқаро майдонда эса самбо, дзюдо бўйича беллашарди. Бунга менинг ўзим ҳам яққол мисолман: самбо ва дзюдо бўйича халқаро тоифадаги спорт устасиман. Боиси шунга мажбур эдик. Бизни ҳеч ким ўзбек миллий кураши бўйича чемпион демас эди. Уч ярим минг йил давомида миллий курашимиз тўйлардаги олиш – кураш мусобақаларидан бир қадам ҳатлаб чиқа олган эмас.

Умуман, ўзбек миллий кураши бугун ёки кеча пайдо бўлгани йўқ. Унинг тарихий илдизлари узоқ даврларга бориб тақалади. Манбаларда айтилишича, кураш уч минг

йилдан кўпроқ анъаналарга эга. Юртимиз худудидан кураш тушаётган икки полвоннинг деворий сурати ҳамда икки курашчи тасвири бор сопол идиш топилган. Алпомиш, Алп Эр Тўнга, Паҳлавон Маҳмуд каби баҳодирлар эл-юрти орномуси учун майдонга тушгани боис афсонага айлангани ҳам ҳақиқат.

Биз оиласда беш ака-укамиз. Ҳаммамиз курашчи-полвонлармиз. Бундан 25 йил муқаддам ҳалқимизнинг асрий орзуси – мустақиллик эълон қилинганида ҳам хаёлимизга келган энг биринчи нарса – курашни ҳалқаро майдонга олиб чиқиши, ривожлантириши масаласи бўлди. Буни узоқ йиллар орзу қилган бўлсак-да, собиқ тузум даврида уни амалга ошириш амри маҳол эди. Истиқлол бизга ана шундай имкониятни берди. 1991 йилнинг биринчи сентябрида мустақиллик эълон қилинган бўлса, 17 сентябрь куни спорт нашрлари орқали кураш қоидалари эълон қилинди. Бир сўз билан айтганда, кураш мустақиллик билан бирга қайта туғилди.

Уч ярим аср давомида юртимиз худудидан ташқарига чиқмаган ўзбек кураши мустақилликнинг илк йиллариданоқ Президентимиз ташаббуси ҳамда саъй-харакатлари натижасида жаҳон майдонига чиқди. Кўп асрлик тарихга эга миллий курашимиз бўйича қитъя ва жаҳон чемпионатлари, турли нуфузли мусобақалар ўtkазила бошланди. Кураш ҳалол спорт тури сифатида тан олинди. Бу ўзбек ҳалқининг энг катта саодати, баҳти, ифтихори. Бу кунлар кўпчиликка армон бўлиб колди. Оддий бир ўйин деб қаралган кураш бугун жаҳонни забт этаётганига одамнинг ишонгиси келмайди. Буни ҳақиқатга айланган афсона, десак ҳам бўлади.

– Кураш Осиё ўйинлари дастуридан ўрин олгани унинг ҳалқаро майдонларни забт этаётганидан дарак беради. Шундай эмасми?

– Ҳа, шундай. Бугун миллий спортивиз нафақат Осиё, балки жаҳонда ҳам ўз нуфузига эга. Кураш ҳалқаро

ассоциациясининг Африкадан тортиб Америкагача, кўхна қитъадан то Австралиягача бўлган давлатларида федерациялари ишлаб турибди. Миллий курашимизнинг аёллар ва ўсмирлар ўртасида ҳам оммалашаётгани уни Олимпия ўйинлари сафидан ўрин олишига ҳам имкон яратади. Бу муваффакиятлар ҳар биримизни ғуурлантариради. Айниқса, гиламга чиқиб келаётган полвонларнинг бир-бирларига таъзим килишлари, баҳс тугаганидан сўнг, кўл сикишиб қўйишлари дунё халқларининг ўзбекона қадриятларга бўлган ҳурматидан далолат беради. Ўзбекча сўзларни бурро-бурро айтиаётган хорижлик ҳакамларнинг овозлари қулоғимизга ёқимли эшитилишининг сабаби ҳам аслида миллий анъаналаримизнинг қадр топганидан далолатdir. Миллий курашимиз бизни ана шундай хис-туйғуларга ошно қилгани учун ҳам қадрлидир.

– Сўнгти йилларда юртимизда ёши улуғ инсонларга эҳтиром қўрсатиш, қадрлаш ўзига хос анъанага айланган. Полвонлар миллий маркази бу борада қандай ишларни амалга оширмоқда?

– Бизнинг ташкилотимиз яқин пайтларгача Полвонлар миллий энциклопедияси жамияти, деб аталар эди. Яъни, полвонлар ҳакидаги маълумотларни топиш, тўплаш ва нашр этиш ташкилотимизнинг асосий мақсади этиб белгиланганди. Бу борада қўплаб лойиҳаларни амалга оширдик. Бугун ҳар бир вилоят бўйича полвонлар энциклопедияси мавжуд. Уларнинг ҳар бирида 10 мингдан ортиқ полвонлар ҳакидаги маълумотлар ўрин олган. – **Бундай энциклопедиядан мақсад нима?** Мақсад – полвонман деб гиламга чиқкан, ор талашган барча инсонларнинг номини абадийлаштириш, айни пайтда кексайиб қолган полвонлар ҳолидан хабар олиш, уларга ҳурмат-эҳтиром қўрсатиш. Ахир юртимизда ёши улуғ, бир неча юз йиллик сулолага эга полвонларимиз жуда кўп. Уларнинг исмини кимдир эслайди, кимдир эса йўқ. Мустабид тузум даврида бугунгидек эркинлик йўқ, полвонлар ҳақида маълумот

түплашга ҳам йўл берилмас эди. Шунинг учун ҳам улар ҳақида ҳеч қандай маълумот мавжуд эмасди. Масалан, сиз қишлоғингизнинг ўтмишдаги энг яхши полвони ҳақида нималар биласиз? Кимданdir бирон маълумот эшигтан бўлишингиз мумкин, лекин у эришган ғалабалар ҳақида батафсилоқ биласизми? Ҳамма гап ана шунда. Биз полвонларни ўрганиш учун бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда таълим муассасаларида, маҳаллаларда «Сиз полвонингизни биласизми?» мавзусида иншолар танловини ўтказдик. Шу йўл орқали биз билмаган қанчадан-қанча полвонлар ҳақида маълумотлар тўпланди. Шундан сўнг уларни бирма-бир ўргандик, ҳам хаёт бўлган полвонларнинг ўзлари билан сухбатлашдик, совғалар бердик.

Бир сафар Фарғонада ёши улуғ полвонларни тақдирлаш учун бордик. Чекка қишлоқлардан бирида истиқомат қилаётган 91 ёшли бир полвон бор экан. Уни олиб келиш учун юборган вакилимиз полвонга «Тошкентдан сизни йўқлаб келишибди, совға бермоқчи», деса ҳеч ишонмабди. У ўша кунги тадбирда сўз олиб, кўзларида ёш билан: «Бу кунлар келишини, полвонлар ҳам эъзоз топишини бир умр кутдим. Истиқолол бўлмаганда, аниқки, бу орзуим армонга айланган бўларди», дегани ҳамон кулогимда.

– Фахрий полвон сифатида ёш полвонларга, умуман навқирон авлодга нима деган бўлардингиз?

– Бугунги дориломон, осойишта ва фаровон кунларнинг қадрига етинг. Мустабид тузум даврида не-не полвонларимиз қалбида «Кураш бўйича ҳам мусобақа бўлса қанийди!», деган армон билан ўтиб кетди. Ана шу кунларни асраб-авайлаш, спортда янада юқори марраларни забт этиш ёшларнинг асосий вазифаси, бурчидир. Насиб этса, кураш Олимпиада ўйинлари сафига кирганини кўриш ҳаммамизга насиб этсин!

Ахмад Юсупов тайёрлади.

Ифтихор

Ольга Петровна Кобзева – 1975 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ҳозирда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Ўзбекистон тарихи» кафедраси профессори, тарих фанлари доктори.

– Адашмасак, 1991 йили сиз – мактаб ўқувчиси бўлгансиз. Демак, мустақиллик эълон қилинган вақт ўсмирлик даврингизга тўғри келар экан. Ўсмири сифатида ўша тарихий онларда ҳаёлингизга нима келди?

– 1991 йил августининг иккинчи ярмини яхши эслайман. Ўша вақтда Тошкент шаҳрининг 93-сонли ўрта умумтаълим мактабининг (кейинчалик мактаб ўрнида Санъат институти, ҳозирда Миллий рассомлик ва дизайн институтининг муҳташам биноси қад ростлади) 10-синфиға ўтган ва янги ўқув йилига тайёргарлик кўраётган эдим.

Оиласиз аъзолари марказий ва маҳаллий газеталардан Москвада ФХДК (ГКЧП) томонидан давлат тўнтаришига уриниши ҳақидаги хабарни билди. Бунинг бари тўсатдан рўй берди. Ҳаммамиз ҳукуматимиз нима дейишини интиқлиқ билан кутардик.

Президентимиз И.Каримовнинг Ҳиндистонга давлат ташрифини тўхтатиб, Республика аҳолисига қилган мурожаати халқни тинчлантириди ва масалага ойдинлик киритди. Воқеалар ривожи ушбу қарорнинг қанчалик тўғри эканилигини кўрсатди.

31 августда эса давлат мустақиллиги эълон қилинди.

Ҳозир ортга назар солиб қарасам, Президент И.Каримов республикада тинчлик ва барқарорликни сақлашга, унинг яхлитлигини асрашга ҳамда вазият таранглашишига, ижтимоий портлаш ва миллатлараро тўқнашуввларга йўл қўймасликка ҳар қанақасига ҳаракат қилган экан. Бу ўша йиллар шароитида ўта оғир вазифа экани бугун барчага аён ҳақиқат.

Ўша йили Россия ва Болтиқбўйи мамлакатларида содир бўлган воқеалар ёдга олинса, қолаверса, бугун ҳам назар солинса Ўзбекистон ҳақиқатан ҳам тинчлик майдонига айланиб қолди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки биз муҳтарам Юртбошимизнинг узоқни кўра оладиган ҳалкчил сиёсати туфайлигина бу буюк баҳтга эришдик.

– 30 ёки 50-йиллардаги қатағонлар, уруш кирмаган хонадоннинг ўзи йўқ. Бу борада ҳар бир оиланинг ўз тарихи бор...

– Афсуски, шундай. Ҳар бир оилада, ҳар бир қалбда мудҳиш ва оғир даврнинг излари бор.

Менинг катта бувам – Григорий Никифорович Мельник – Хитой Шаркий темир йўлини (ХШТИЙ) курган ва узоқ йиллар ХШТИЙ бекатларидан бирининг (Имянь-по) бошлиғи вазифасида фаолият юритган мухандис-йўлсоз эди. У 1937 йили оиласи билан Иттифокқа қайтганидан кейин ноҳақ айбланиб, «халқ душмани» сифатида катағон қилинган ва Ашҳабод атрофидаги сиёсий маҳбуслар лагерида вафот этган.

Бувим Александра Григорьевна Мельник – 1916 йилда туғилган, Сталинга қарши чиқиши қилгани учун 58-модда билан айбдор деб топилиб, Колимдаги лагерга 10 йилга сургун қилинган. Қочишга уринганлиги учун яна 5 йил қўшиб берилган. Жазо муддатини Магадан атрофидаги Сеймчан қишлоғида ўтаган. Унинг икки укаси Владимир ва Иван – «халқ душмани» фарзандлари деган шармандали тамға билан урушга кетишган. Улардан бири 1942 йил нояброда Сталинградда, иккинчиси Курскда вафот этди.

Мустақиллик йилларида биз учун муқаддас бўлган оила аъзоларим номлари оқланди. Шахсан Биринчи Президент Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ташаббуслари билан нашр қилинган кўп жилдли «Хотира» китобига Владимир Григорьевич Мельник ва Иван Григорьевич Мельник номлари муҳрлаб кўйилди...

– Мустақиллик йилларида таълим тизими тамомила ўзгарди. Бу ҳаётингизга қай даражада таъсир килди?

– Аввало, таъкидлаш жоизки, мустақиллик кенг имкониятлар яратиб берди: хорижга илмий стажировка, малака ошириш, хорижий адабиётлар ва манбалар билан ишлаш, хамкаслар билан фикр алмашиш каби.

1993 йили Тошкент давлат университети (хозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети) тарих факультетига ўқишига кирдим. Университетни аъло баҳолар билан битирдим. Бу йилларда кафедра ўқитувчисидан профессор вазифасини бажарувчиси лавозимигача кўтарилидим, тарих фанлари доктори, катор монография ва ўкув қўлланмалар муаллифи бўлдим. Давлат гранти ҳисобидан икки бор – Буюк Британия ва Хитой Xалқ Республикасида малака оширдим. Давлат ва университет раҳбарияти хизматда ўсишимга барча имкониятларни яратиб берди.

2018 йили Марказий Осиё фани ва университет таълимининг йўлбошчиси ҳисобланадиган қадрдан университетимга 100 йил тўлади. Бугун Миллий университет тарихига назар солсан, олийгоҳ ҳаётидаги кўплаб ижобий ўзгаришларнинг айнан мустақиллик йилларида содир бўлганининг гувохи бўламан. Ҳа, бугун тубдан таъмирланган ўкув корпусларига, шинам талабалар уйларига, янгиланган техник асбоблар мавжуд лаборатория ва лекция хоналарига, янги адабиётлар билан бойиган кутубхоналарга эгамиз.

Жасур Тоғаев тайёрлади.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Мустақиллик қадри	6
Тошкентлик Маргарита	17
Шукронда	23
Имзо қўймадим	28
Хуррият орзуси	33
Ўзбекистон – менинг Ватаним!	41
Истиқлол шарофати	48
Халқимиз саломатлиги йўлида	54
Сулола давомчиси	57
Маданий мерос – бойлигимиз	66
Ўзбек кураши ва унинг довруғи	71
Ифтихор	75

ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА МУСТАҚИЛЛИК

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2016

Мухаррир: Ф.Исмоилова

Тех. мухаррир: М.Холмуҳаммедов

Мусаввир: Д.Азизов

Мусаххиха: М.Умирова, Н.Ҳасанова

Компьютерда

саҳифаловчи: Н.Рахматуллаева

E-mail: tipografiyacnt@mail.ru Тел: 245-57-63, 245-61-61.

Нашр.лиц. А1№149, 14.08.09. Босишига руҳсат этилди: 25.10.2016.

Бичими 60x84 1/16. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.

Шартли босма табоги 4,75. Нашр босма табоги 5,0.

Тиражи 200. Буюртма №206.

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.